БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 68 (1072)
2 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг Венгрия Халқ Республикасига боришига доир

1957 йил март ойида Совет Иттифоқига келиб кетган Венгрия Халқ Республикаси делегацияси жавоб визити билан Венгрияга келиш тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарларига Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматининг таклифини топширганлиги бундан аввал матбуотда хабар қилинган эди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Ҳукумати бу таклифни қабул қилдилар ва Венгрия Халқ Республикасига борадиган Партия-Ҳукумат делегациясини қуйидагилардан иборат қилиб тайинладилар: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ф. Р. Козлов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ВЦСПС Раиси В. В. Гришин, Украина КП Киев область комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. П. Бойкова ва СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги Элчиси Е. И. Громов.

Совет Иттифоқининг Партия-Ҳукумат делегацияси 2 апрелда Москвадан Венгрияга жўнаб кетади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан СССР Олий Совети қарамоғига тақдим этилган масала мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли суратда ҳал этиш учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Бу масаланинг бутун халқ томонидан муҳокама қилинганлиги колхозчи деҳқонлар, ишчилар синфи, зиёлилар, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларни якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлаганликларини кўрсатди.

Совет давлати кейинги йилларда социалистик экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришди. Ана шу асосда меҳнаткашларнинг фаровонлиги анча юксак даражага кўтарилди.

Коммунистик партия КПСС XX съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, совет халқининг ижодий ташаббуси ва ғайратини мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг жуда муҳим вазифаларини муваффақиятли суратда бажаришга сафарбар қилмоқда.

Социалистик саноат ва, биринчи галда, Совет давлати қудратининг ҳамда халқ турмуш даражасини тўхтовсиз юксалтиришнинг негизи бўлган оғир индустрия ҳалқ хўжалигининг муваффақиятларга эришувини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

СССР Олий Совети мамнуният билан қайд қиладики, саноат ва қурилишни бошқариш демократик централизмнинг ленинча принципига мувофиқ қайта қурилганлиги социалистик экономикани янада тез ривожлантиришга ёрдам беради. Бунинг натижасида саноат юксакроқ даражада ишлямоқда, резервлардан тўлароқ фойдаланилмоқда.

Социалистик қишлоқ хўжалиги муваффақиятли суратда ривожланмоқда. Мамлакатни индустрлаштириш асосида, ленинча кооператив планни амалга ошириш натижасида Совет Иттифоқида илғор техника билан таъминланган йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди. Бизнинг мамлакатимизда колхоз тузумининг вужудга келтирилганлиги ва мустаҳкамланганлиги совет халқининг жаҳоншумул тарихий ғалабасидир. Колхоз тузуми ўсиб, социализмнинг қудратли қучига айланди. Бу тузум қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини мислсиз ўстириш, совет деҳқонларининг фаровонлиги ва маданий-техника савиясини юксалтириш учун имконият очиб берди.

Машина-трактор станциялари қишлоқни социалистик негизда қайта қуриш учун курашда, колхоз тузумини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади. Машина-трактор станциялари Совет давлати қўлида шундай катта сиёсий ва ташкилотчи куч бўлдики, деҳқонлар унинг ёрдами билан колхозларга бирлашдилар ва механикалаштирилган йирик социалистик қишлоқ хўжалигининг афзалликларига ишонч ҳосил қилдилар. Машина-трактор станциялари орқали қишлоқ хўжалигида техника тараққий эттирилди ва қишлоқ хўжалиги янги техника базасида қайта қуроллантирилди, малакали механизатор кадрлар тайёрланди, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти юксалди. Машина-трактор станцияларида механизаторларнинг катта бир армияси — тракторчилар, комбайнчилар, трактор бригадаларининг бошлиқлари, шоферлар, ремонтчи ишчилар ва техникани ҳамда меҳнатнинг индустриал маданиятини эгаллаган бошқа ишчилар ўсиб етишди. Бу кадрларнинг социалистик қишлоқ хўжалиги қурилишидаги хизмати каттадир.

Қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидан кейин қизиб кетган умумхалқ кураши натижасида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди, колхоз тузумини ривожлантиришда янги босқичга асос қўйилди. Ҳозирги вақтда колхозларнинг жамоат хўжалиги ўз тараққиётининг юксакроқ даражасига кўтарилди. Колхоз тузуми тараққиётидаги янги босқич шу билан характерланадики, йириклаштирилган колхозлар кейинги йилларда давлатнинг катта ёрдами билан иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкам, техника билан таъминланган кўп тармоқли хўжаликларга айланди. Бу хўжаликлар дала мудирлари, чорвадорлар, механизаторлар, агрономлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислардан иборат жуда кўп малакали кадрларга эгадирлар; колхозларнинг даромадлари кўпайди, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ошди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда юксакроқ даражада турган давлат корхоналари — совхозлар йирик социалистик хўжаликни бошқаришда колхозлар учун яхши мактаб бўлди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва бу маҳсулотлар билан мамлакатни таъминлашда совхозларнинг салмоғи анча ўсди. Совхозлар бундан бўён ҳам ишлаб чиқаришнинг мукаммалроқ методларини, деҳқончиликнинг юксак маданиятини қўлланишда намуна бўлишлари, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда колхозлар учун намуна бўлишлари керак.

Колхозларнинг кўпчилиги ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамланган ҳозирги шароитда машина-трактор станциялари орқали колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишнинг мавжуд формаси қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш вазифаларига муносиб бўлмай қолди. Бунинг устига, ана шу форма кўп ҳолларда илғор колхозларнинг янада юксалишига халакит бера бошлади, колхоз ишлаб чиқариши резервларидан яхшироқ фойдаланишда колхоз ва колхозчиларнинг ташаббусига тўсқинлик қила бошлади. Бир ерда икки социалистик корхона — колхоз ва машина-трактор станциясининг хўжаликни олиб бориши каби аҳволнинг салбий оқибатлари тобора кўпроқ кўрина бошлади. Бу ҳол ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва техникадан фойдаланишда эгасизликни вужудга келтиради, ҳосилдорликни ошириш юзасидан колхознинг ҳам, машина-трактор станциясининг ҳам жавобгарлигини камайтиради, катта ва ўринсиз чиқимларга сабаб бўлади.

Буларнинг ҳаммаси колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишдаги мавжуд тартибни ўзгартиришни ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиб, уларни секин-аста ремонт-техника станцияларига айлантиришни ва колхозларга қишлоқ хўжалик машиналари сотишга ўтишни қаттиқ талаб этади. Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик янги, янада юксак даражага кўтарилади. Колхозларнинг экономикаси янада кўпроқ мустаҳкамланади, уларнинг бўлинмас фондлари ортади, ишлаб чиқаришни ташкил этиш янада такомиллашади, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ортади.

Ремонт-техника станциялари тракторлар ва бошқа машиналарнинг ремонтини, колхозларга техника хизмати кўрсатишни, янги техникани, запас қисмларни, ёнилғини ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа товарларни колхоз ҳамда совхозларга сотишни тезлаштирилган ишларни бажаришлари, колхозлар эга бўлмаган машиналарни прокатга беришни уюштиришлари, янги техникани, фан ютуқларини ҳамда машина-трактор паркини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида илғор тажрибаларни колхоз ишлаб чиқаришига жорий қилишлари, шунингдек механизатор кадрларнинг малакасини оширишда колхозларга ёрдам беришлари керак. Баъзи колхозлар тракторларни ва бошқа машиналарни сотиб олиш имкониятига ҳали эга бўлмаган, энг муҳими ана шу техникадан тўғри фойдалана олмайдиган районларда бундай колхозларга машина-трактор станциялари ёки ремонт-техника станциялари орқали ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишни вақтинча сақлаб қолиш керак.

Саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш каби машина-трактор станцияларининг ҳам қайта ташкил қилиниши хўжаликнинг социалистик системаси афзалликларидан ва ишлаб чиқариш резервларидан максимал даражада фойдаланишни, омманинг ижодий ташаббуси ва активлигини янада ривожлантиришни таъминлаши лозим. Бу чора совет жамиятининг коммунизм сари олиб борадиган йўлдан илгарилаб боришини тезлаштиради. Ленинча гениал кооператив план асосида қишлоқ хўжалиги коллективлаштирилганидан кейин, бу тадбирларнинг амалга оширилиши социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги, ғоят муҳим ва катта қадам бўлади.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш соҳасида кўриладиган тадбирлар халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ва унга раҳбарликни яхшилаш йўлида Коммунистик партия томонидан амалга оширилаётган ишларнинг таркибий қисмидир.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва бутун социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш максадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1 модда. Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан ҳамда умумхалқ муҳокамаси вақтида ҳамма томонидан қўллаб-қувватланган тадбирлар маъқуллансин.

2 модда. Колхозларнинг иқтисодий ва ташкилий тараққиётида ҳозирги вақтда эришилган даражани эътиборга олиб, машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиб, уларни ремонт-техника станцияларига айлантириш зарур деб топилсин. Машина-трактор станциялари ихтиёрида бўлган тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ана шу техникани сотиб олишни истаган колхозларга сотилсин. Ўзлари сотиб олган трактор ва машиналарнинг ҳакини бирданига тўлаш имкониятига эга бўлмаган колхозларга уларнинг иқтисодий аҳволига қараб тўлаш муддатлари узайтирилсин.

1958 йилдан бошлаб колхоз ва совхозларга янги тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотилсин.

Машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш айрим колхозлар экономикасининг ривожланишини ва Совет Иттифоқидаги турли зоналар ҳамда районларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, секин-аста, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилсин.

3 модда. Ремонт-техника станцияларига қуйидаги асосий вазифаларни бажариш топширилсин: тракторларни ва бошқа машиналарни ремонт қилиш, колхозларга техника хизмати кўрсатиш, янги техникани, запас қисмларни, нефть маҳсулотлари, ўғит, заҳарли химикатларни ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа товарларни колхоз ҳамда совхозларга сотиш, колхозларнинг ихтиёрида бўлмаган машиналарни колхозларга прокатга беришни уюштириш, ихтисослаштирилган айрим ишларни ва бошқа ишларни колхозлар билан шартномалар тузиш асосида бажариш, янги техникани, фан ютуқларини ҳамда машина-трактор паркини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида, шунингдек механизатор кадрларнинг малакасини оширишдаги илғор тажрибани колхоз ишлаб чиқаришига жорий қилиш.

Ремонт-техника станцияларининг ишлари хўжалик ҳисоби асосида олиб борилади.

4 модда. Ремонт-техника станциялари тўғрисидаги Низом ва колхоз ҳамда совхозларга машиналар, запас қисмлар, ёнилғи ва бошқа ишлаб чиқариш товарлари сотиш шартлари СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланади.

5 модда. СССР Министрлар Советига колхозларнинг ишлаб чиқариш харажатларига бериладиган қарзларни кўпайтириш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш топширилсин, токи ишлаб чиқаришни олиб бориш ва жамоат хўжалигини янада ривожлантириш учун колхозларга зарур шароит вужудга келтирилсин.

6 модда. Машина-трактор станциялари қайта ташкил қилиниши муносабати билан СССР Министрлар Советига давлатни зарур миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни кўзда тутиб, колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашдаги мавжуд тартиб ва шартларга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш топширилсин.

7 модда. СССР Министрлар Совети машина-трактор станцияларидан колхозларга ишлаш учун ўтадиган механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан тўғри фойдаланишни таъминласин ва шу билан бирга уларнинг моддий таъминотига зарур эътибор берилсин ва шу тўғрида ғамхўрлик қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1958 йил 31 март.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кўзга кўринган совет давлат ва партия арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети депутати, СССРнинг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Иван Федорович ТЕВОСЯН** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1958 йил 30 мартда вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР Олий Совети Президиумидан

СССР Олий Совети Президиуми кўзга кўринган совет давлат ва партия арбоби, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети депутати, СССРнинг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Иван Федорович ТЕВОСЯН**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қилади.

Атом ва водород қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши масаласи юзасидан

СССР Олий Советининг ҚАРОРИ

Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласи тинчлик иши ва халқлар фаровонлиги учун йилдан-йилга, ойдан-ойга тобора катта аҳамият касб қилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу синовларни тўхтатишни ер юзидаги аҳолининг катта кўпчилиги талаб қилмоқда. Халқлар бу синовларни тўхтатишни кўп йиллардан бери зўр бериб талаб қилиб келаётганликларига қарамай, бу синовлар давом қилмоқда, бу эса қирғин келтирувчи ядро қуролининг янгидан-янги турларини яратишга олиб келмоқда, ҳавода ва тупроқда тўпланаётган радиоактив элементларни кўпайтирмоқда, одамлар организмини заҳарламоқда ва келажак авлодларнинг нормал ривожланишини хавф остида қолдирмоқда.

Совет Иттифоқи атом ва водород қуролига эга бўлган давлатлар билан ядро синовларини ўтказишни дарҳол ва ҳеч сўзсиз тўхтатиш тўғрисида битимга келмоқ учун зўр бериб ва изчиллик билан куч-ғайрат сарфлаб келди. Шу мақсадда кейинги йилларда СССР Олий Совети ва Совет Ҳукумати шу синовларни тўхтатиш тўғрисида неча марталаб конкрет таклифлар қилди, шу таклифлар асосида бу масала ҳақида аллақачон битимга келиш мумкин бўлур эди.

СССР Олий Совети 1957 йил 10 майда Қўшма Штатлар Конгрессига ва Буюк Британия Парламентига қилган мурожаатида АҚШ Конгрессини ва Буюк Британия Парламентини атом ва водород бомбаларини портлатиб синашларни дарҳол тўхтатиш тўғрисида СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида битимга келиш учун кўмаклашишга чақирди.

СССР Олий Совети ўтган йил декабрь ойида бўлган ўзининг охирги сессиясида совет халқининг тинчликка қаратилган қатъий иродасини ва якдиллик билан билдираётган истагини ифодалаб, СССР, Буюк Британия ва АҚШ 1958 йил 1 январдан бошлаб атом ва водород қуролининг ҳамма синовларини албатта тўхтатиш ҳақида ўз зиммаларига мажбурият олишларини таклиф қилди.

Бироқ, АҚШ ва Буюк Британия Совет Иттифоқининг ана шу ҳамма таклифларига жавоб бермадилар. Шу сабабли ер юзининг тоҳ бир қисмида, тоҳ иккинчи қисмида атом ва водород бомбаларини портлатиб синашлар аввалгидек давом қилмоқда, бу эса ялпи қирғин қуролининг тагин ҳам хатарлироқ турларини яратиш соҳасида зўр бериш янада кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини ҳамма жойда тўхтатишга амалий негиз солишга ва шу тарика инсониятни қирғин атом уруши хавфидан узил-кесил қутқариш йўлида биринчи қадам қўйишга интилиб, **қарор қилади:**

1. Совет Иттифоқида атом ва водород қуролининг ҳамма турларини синаб кўриш тўхтатилсин.

СССР Олий Совети, атом ва водород қуролига эга бўлган барча давлатларнинг парламентлари ҳам шу турдаги қуролларни портлатиб синашни шу мамлакатлар ҳам тўхтатиши учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрадилар деб кутади.

2. СССР Министрлар Советига шу Қарорнинг 1-моддасини амалга оширмоқ учун зарур чоралар кўриш ҳамда атом ва водород қуролига эга бўлган бошқа давлатларнинг ҳукуматларига мурожаат қилиб, уларни **атом ва водород қуроли синовларини ҳамма жойда ва абадий тўхтатишни таъминлайдиган** айнан шундай чоралар кўришга чақириш топширилсин.

Башарти, атом ва водород қуролига эга бўлган бошқа давлатлар бу қурол синовларини давом эттираверадиган бўлсалар у ҳолда, ўз-ўзидан маълумки, СССР Ҳукумати Совет Иттифоқи хавфсизлиги манфаатларини назарда тутиб, юқорида айтиб ўтилган вазиятларга кўра, Совет Иттифоқининг атом ва водород қуроли синовларини ўтказиши масаласида қиладиган ишларида ўзини эркин ҳаракат қилади, деб билади.

СССР Олий Совети, ядро қуроли синовларини тўхтатиш ишидаги Совет Иттифоқининг бу ташаббусини бошқа давлатларнинг парламентлари лозим бўлган равишда қўллаб-қувватлайдилар деб астойдил умид қилади.

СССР Олий Совети шу нарсага астойдил ишонадики, ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар Совет Иттифоқининг бу қарорига жавобан шу қурол синовларини тўхтатсалар, бу билан барча халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида олга томон катта амалий қадам қўйилган бўлади. Бу қадам, ҳеч шубҳасиз, бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлур эди, инсониятни тинчлик тақдири учун, келажак авлод кишиларининг тақдири учун қилинаётган ва юк бўлиб босиб ётган ташвишдан қутқаришга ёрдам берган бўлур эди.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ

Москва, Кремль.
1958 йил, 31 март.

СССР Олий Советининг ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан АҚШ Конгрессига

МУРОЖААТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети ҳозирги кунда бутун инсониятни ғоят ташвишлантираётган атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан Америка Қўшма Штатлари Конгрессига мурожаат қилади. СССР Олий Совети бу масаланинг ҳал этилиши даставвал, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия ўртасида ўзаро келишувга боғлиқ эканлигига қаттиқ ишонганлигини билдиради. Ана шу ҳолат барча мамлакатларнинг халқлари олдида мазкур уч мамлакат зиммасига алоҳида жавобгарлик юклайди.

СССР Олий Совети 1957 йил 10 майда Қўшма Штатлар Конгрессига ва Буюк Британия Парламентига юборган Мурожаатида ядро қуроли синовларининг шу вақтгача давом этиб келаётганлиги натижасида туғилаётган хавф муносабати билан жаҳон жамоатчилиги ғоят ташвишланаётганлигига эътиборни жалб этиш имкониятига эга бўлган эди ва ана шу синовларни тўхтатишга олиб борадиган ва ўзаро келишилган тадбирларни кўришни таклиф этган эди.

СССР Олий Совети 1957 йил 21 декабрда қарор қабул қилди ва бу қарорда СССР, АҚШ ҳамда Буюк Британия атом ва водород қуролининг ҳар қандай синовларини 1958 йил 1 январдан бошлаб тўхтатиш мажбуриятини олсинлар, деб таклиф қилди.

Бу таклиф Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия томонидан қабул қилинганида, ядро қуролининг хавфли синовларига алла қачон хотима берилган бўлур эди. Афсуски, АҚШ ва Буюк Британиянинг тутган позицияси орқасида бу масала юзасидан шу вақтгача бир битимга келинмади. Ҳолбуки, ер юзининг тоҳ у қисмида, тоҳ бу қисмида атом ва водород бомбаларини синов тарақасида портлатишлар давом этмоқда. Бу эса ялпи қирғин қуролининг энг кўп қирғинчилик келтирадиган хилларини вужудга келтириш соҳасидаги мусобақа тобора авж олаётганлигини исбот этади. Ядро қуролининг ҳар бир янги портлатилиши ер юзини радиоактив зарраларнинг янги қатлами билан қоплайди ва ҳозирги вақтда яшаётган кишиларнинг соғлиғини ҳамда келгуси авлодларнинг соғлиғини хавф остида қолдиради.

Ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масала бутун дунё халқларининг диққат марказида турааётганлигига ажабланиб бўладими. Кўп мамлакатларнинг талайгина жамоат арбоблари ва минг-минглаб атоқли фан арбоблари, шу жумладан Америка Қўшма Штатларининг бутун дунёга машҳур бўлган олимлари атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш жуда зарур, деб кўрсатмоқдалар. Улар бу масалани ҳал этишни асло кечиктириш мумкин эмаслигига эътиборни жалб этмоқдалар, чунки синовларнинг давом эттирилиши жуда катта зарар етказиши мумкин.

Давлатлар ўртасида ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида ҳозирги шароитдаёқ тамомила бир битимга келиш мумкин. Бундай битим шу битимда қатнашувчиларнинг бирортасига ҳам зарар етказмаган бўлур эди ва ҳеч қайси давлатга бошқа давлатлар олдида ҳеч қандай устунлик бермаган бўлур эди. Шу билан бирга бу масала юзасидан бир битимга келиш қуролсизланиш соҳасида тагин ҳам кенгроқ тадбирларни кўриш йўлини очиб берган бўлур эди. АҚШнинг кўзга кўринган сиёсий арбоблари ва парламент аъзолари ҳам шундай мулоҳазаларни илгари сурмоқдалар. Улар ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани қуролсизланишнинг бошқа проблемаларига боғламай ҳал этишни ёқлаб чиқмоқдалар.

Ядро ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш ҳозирги вақтда яна шунинг учун ҳам осонроққи, ҳозирги пайтда фақат уч давлат ана шу қуролга эгадир ва бу қуролни синаб кўрмоқда. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин ядро қуролини бошқа давлатлар ҳам ишлаб чиқарадиган бўлсалар, у ҳолда синовларни тўхтатиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келиш қийинлашиб қолади, албатта.

Ядро қуроли синовларини ҳамма ерда тўхтатишга амалий асос қўйишга ва бу билан инсониятни қирғинчилик келтирадиган атом уруши хавфидан узил-кесил халос қилиш йўлида биринчи қадам қўйишга интилиб, СССР Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини бошқа давлатлар тўхтатишини кутмаслан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши ҳақида қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети бутун инсониятнинг манфаатларини кўзлаб, Америка Қўшма Штатлари Конгрессини дунёнинг барча мамлакатларидаги миллионларча кишиларнинг орзу-тилакларига жавоб берадиган ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақиради. Айни вақтда Олий Совет бу масала юзасидан Буюк Британия Парламентига ва бошқа мамлакатларнинг парламентларига ҳам Мурожаат юборади.

СССР Олий Совети чуқур ишонч билдирадики, ядро қуролига эга бўлган давлатлар сифатида Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия Совет Иттифоқининг қарорига жавобан бундай қурол синовларини тўхтатганларида, атом ва водород қуроли синовларини ҳамма ерда тўхтатиш масаласи абадий ҳал этилган бўлади. Бу эса атом қуроли билан зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва барча халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида олға қараб қўйилган муҳим қадам бўлади. Бундай қадам бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш учун, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлади ва бу билан ҳал этилмаган бошқа кўпгина халқаро проблемаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Аммо бошқа давлатлар Совет Иттифоқининг ана шу инсонпарварлик руҳидаги қарорига қўшилишни истамасалар ва атом ҳамда водород қуролини синов тарақасида портлатишни аввалгидек бундан бўён ҳам афзал кўрадиган бўлсалар, у ҳолда Совет ҳукумати СССР хавфсизлиги манфаатларини кўзда тутиб, Совет Иттифоқининг ядро синовлари ўтказиши тўғрисидаги масалада юқорида айтилган ҳолатларни эътиборга олиб, эркин ҳаракат қилади. Аммо СССР Олий Совети ядро қуроли синовларини тўхтатиш соҳасида Совет Иттифоқи кўрсаттан ташаббус Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британиянинг тегишли тадбирлари билан қўллаб-қувватланади, деб ишонади.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат буюк иш учун қонун чиқарувчи органларнинг халқлар олдидаги катта жавобгарлигини яхши англаб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Америка Қўшма Штатлари Конгрессига мурожаат қилади ҳамда уни барча давлатларнинг атом ва водород қуроли синовларини абадий тўхтатиш тўғрисидаги масалани, ниҳоят, халқларнинг орзу-тилакларига мувофиқ суратда узил-кесил ҳал этиш учун ўзининг бутун таъсиридан фойдаланишга зўр бериб даъват этади.

Икки мамлакатимиз—ядро қуролини биринчи бўлиб вужудга келтирган Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ана шу қуролнинг бундан кейинги синовларини ҳам биринчи бўлиб тўхтатишларига ва бу билан ҳар иккала мамлакатимиз халқларининггина эмас, балки бутун инсониятнинг ҳам умидларини оқлашларига СССР Олий Совети ишонишни истар эди.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ

Москва, Кремль.
1958 йил, 31 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР Олий Советининг ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан Буюк Британия Парламентига

МУРОЖААТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети ҳозирги кунда дунёдаги барча мамлакатларнинг халқларини ташвишга солаётган ва ҳар бир кишининг ҳаётий манфаатларига бевосита дахл қилаётган масала юзасидан—атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан Буюк Британия Парламентига яна мурожаат қилади.

Ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг бири сифатида Буюк Британиянинг атом қуроли синовларини тўхтатиш масаласини ҳал этишда қандай муҳим роль ўйнай олишини эътиборга олиб, СССР Олий Совети 1957 йил 10 майда Буюк Британия Парламентига мурожаат қилиб, ядро синовларини тўхтатиш мақсадида бамаслаҳат чора кўришни таклиф этди.

СССР Олий Совети 1957 йил 21 декабрда қарор қабул қилди. Бу қарорда СССР, Буюк Британия ва АҚШ атом ва водород қуролининг ҳар қандай синовларини 1958 йил 1 январдан бошлаб тўхтатиш мажбуриятини олсинлар, деб таклиф қилинган эди.

СССР Олий Совети чуқур таассуф билдириб қайд қиладики, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари ана шу мажбуриятни ўз зиммаларига олишга тайёр эканликларини изҳор қилмадилар ва шундай қилиб ядро қуролининг хавфли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш яна кечиктирилди. Бунинг натижасида атом ва водород қуроли синовлари давом эттирилибгина қолмай, балки тобора кенг тус олмоқда.

Ана шу синовлар дунё халқларини тағин ҳам мудҳиш хавф остида қолдириб, ядро қуролининг янада кўпроқ вайронагарчилик келтирувчи янги нусхаларини вужудга келтириш мақсадларига хизмат қилади. Ядро қуролининг синов тариқасида портлатилиши ҳозирги тинч шароитдаёқ кишиларга зарар етказмоқда. Атом ва водород бомбаларининг ҳар бир портлатилиши натижасида атмосферада ва ер устида радиоактив заррачалар миқдори кўпайиб борадики, бу заррачалар ҳозирги вақтда яшаб турган кишиларнинг соғлигига ва уларнинг авлодларининг соғлигига ҳалокатли таъсир кўрсатади.

Шу сабаблан ядро синовларининг давом эттирилиши кишиларни ташвишлантираётганлиги ва хавотирга солаётганлиги тамомила аёндир. Кўп мамлакатларнинг, шу жумладан Буюк Британиянинг атоқли олимлари ядро қуроли синовларининг ҳақиқатда қандай хавф туғдиражаги тўғрисида бошқа ҳар қандай кишидан кўра яхшироқ фикр юрита оладилар. Улар ана шундай синовларни дарҳол тўхтатиш гоят зарур эканлигини кўрсатмоқдалар. Улар ана шу масалани ҳал этишни кечиктириш мумкин эмаслигига эътиборни жалб этмоқдалар, чунки синовларни давом эттириш жуда катта зарар етказиши мумкин. СССР Олий Совети ана шу огоҳлантиришларни эътиборсиз қолдиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ деб ҳисоблайди.

Яна шу ҳолатга эътибор бермай бўлмайдики, ҳозирги вақтда синовларни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш анча осон, чунки фақат уч давлат ядро қуроли ишлаб чиқармоқда. Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин бошқа давлатлар ҳам ядро қуролини ишлаб чиқаришга киришишлари мумкин. Бу ҳол ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келишни анча мураккаб иш қилиб қўйиши мумкин, албатта.

Ядро қуроли синовларини ҳамма ерда тўхтатишга амалий асос қўйилишига ва бу билан инсониятни қирғинчилик келтирадиган атом уруши хавфидан узил-кесил ҳалос қилиш йўлида биринчи қадам қўйишга интилиб, СССР Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини бошқа мамлакатларнинг тўхтатишини кутмасдан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши ҳақида қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети Буюк Британия Парламентини бутун инсоният манфаатларини кўзда тутиб, дунёдаги барча мамлакатларда яшовчи миллионларча кишиларнинг орзу-тилакларига жавоб берадиган ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақиради. Олий Совет шу масала юзасидан Америка Қўшма Штатлари Конгрессига ва бошқа мамлакатларнинг парламентларига ҳам мурожаат қилади.

Ядро қуролига эга бўлган давлатлар сифатида Буюк Британия ва АҚШ Совет Иттифоқининг қарорига жавобан ана шу қурол синовларини тўхтатадиган бўлсалар, у ҳолда атом ва водород қуроли синовларини ҳамма ерда тўхтатиш тўғрисидаги масала абадий ҳал этилади. Бунинг натижасида тинчликни мустаҳкамлаш ва барча халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида олға қараб катта қадам қўйилган бўлади. Атом қуроли билан зўр бериб қуролланишни чеклашга қаратилган биринчи конкрет тадбирлар бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш учун шубҳасиз катта аҳамиятга эга бўлади. Бу эса ҳал этилмаган бошқа кўплгина халқаро проблемаларни ҳам ҳал этишга ёрдам беради.

Бошқа давлатлар Совет Иттифоқининг ана шу инсонпарварлик руҳидаги қарорига қўшилишни истамасалар ва атом ҳамда водород қуролини синов тариқасида портлатишни давом эттирадиган бўлсалар, у ҳолда Совет ҳукумати СССР хавфсизлиги манфаатларини кўзда тутиб, Совет Иттифоқининг ядро синовларини ўтказиши тўғрисидаги масалада юқорида айтилган ҳолатларни эътиборга олиб эркин ҳаракат қилади. Аммо СССР Олий Совети ядро қуроли синовларини тўхтатиш соҳасида Совет Иттифоқи кўрсатган ташаббус Буюк Британиянинг, шунингдек Америка Қўшма Штатларининг тегишли тадбирлари билан қўллаб-қувватланади, деб ишонади.

СССР Олий Совети ўз Мурожаати Буюк Британия Парламенти томонидан хайрихоҳлик билан маъқулланади ва қўллаб-қувватланади, деб умид қилганлигини билдиради. Буюк Британиянинг кенг жамоатчилиги ва таъсири зўр сиёсий доиралари ядро синовларини дарҳол тўхтатиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишнинг давом эттирилаётганлиги ва атом ҳамда водород қуролини синов тариқасида портлатишлар Буюк Британия оролларини жуда катта хавф остида қолдириши муносабати билан уларнинг ташвишланиб айтаётган гапларини Совет Иттифоқидагилар жуда яхши англайдилар.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат буюк иш учун парламентларнинг халқлар олдидаги юксак жавобгарлигини англаб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Буюк Британия Парламентига мурожаат қилади ва уни атом ва водород қуроли синовларини барча давлатлар томонидан абадий тўхтатиш тўғрисидаги масалани, ниҳоят, бутун инсониятнинг орзу-тилакларига мувофиқ суратда узил-кесил ҳал этиш учун ўзининг бутун таъсиридан фойдаланишига зўр бериб даъват этади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ

Москва, Кремль.
1958 йил, 31 март.

Германия Федератив Республикаси Бундестагига

СССР Олий Советининг

МУРОЖААТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Федератив Республика томонидан мамлакатни атом қуроли билан қуроллантириш соҳасида қилинган ишларга нисбатан ўзининг муносабатини Германия Федератив Республикаси Бундестагига айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

1958 йил 25 мартда Федератив Республика Бундестагида ғарбий герман қуролли кучларини атом ва ракета қуроли билан қуроллантирмоқ учун Федерал Ҳукуматга ваколатлар берувчи резолюция ҳукумат коалициясидаги партиялар депутатларининг овози билан қабул қилинди. Шундан бир оз олдин Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ядро зарядларини ташишга мосланган бир тўда ракеталарни Американдан сотиб олиш тўғрисида АҚШ ҳукумати билан битим тузди.

Шундай қилиб, Федерал Ҳукумат ва Бундестагда уни қўллаб-қувватлаётган коалицион партияларнинг фракциялари мамлакатни атом урушига тайёрланиш йўлига тортишга қарор қилдилар ва эндиликда Федератив Республика бу йўлда амалий тадбирларни авж олдириб юбориш бўсғасида турипти. Германия Федератив Республикаси Ҳукуматининг бу масала ҳақида шу дамгача айтиб келган дуҳмал гаплари Ғарбий Германия аҳолисини ва халқаро жамоатчиликни лақиллатиш мақсадини кўзда тутганлиги ва ҳақиқатда Германия Федератив Республикаси Ҳукумати уларни рўй берган фактга луч қилиб қўймоқ учун фақат қулай пайт кутиб турганлиги тўғрисида эндиликда ҳеч бир кимсада шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Совет Иттифоқи шу нарсага эътибор қилмасдан қола олмайдики, Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг халқлари маълум сабабларга кўра эҳтиётлик билан қараб келаётган давлат эндиликда НАТОнинг Европа қитъасидаги давлатлари орасида биринчи бўлиб, ўз қуролли кучлари учун атом қуроли олмоқда. Германия Федератив Республикаси ҳукумати тобора кенг доирадаги давлатларнинг иштирок қилгани ҳолда атом қуроли билан эўр бериб қуролланишни авж олдириб юборишга сабабчи бўлмоқда, бунга Европада тинчликни мустаҳкамлашга астойдил интилаётган, ракета — атом уруши хавфини камайтиришга астойдил ҳаракат қилаётган давлатларнинг ҳаммасига нисбатан қилинаётган тўғридан-тўғри дағдағадир, деб баҳо бермаслик мумкин эмас.

СССР Олий Совети шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, Германия Федератив Республикаси армиясини атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш тўғрисидаги қарорнинг амалга оширилиши, шунингдек Ғарбий Германия территориясида чет давлатларнинг атом ва ракета базаларини жойлаштиришга розилик беришга тайёргарлик кўрилаётганлиги гитлерчилар Германияси иккинчи жаҳон урушини тайёрлаш учун иш бошлаган вақтдагига кўп жиҳатдан ўхшаётган вазиятнинг бошлада пайдо бўлишига олиб келади. Лекин бунинг натижалари Германия тарихида жуда оғир ҳалокатдан иборат бўлганлигини унутмаслик керак. Айниқса бизнинг замонамизда Германия Федератив Республикасининг яна ҳарбий авантюралар йўлига тушиб олишга уринаётганлиги герман миллатининг ўз-ўзини ўлдириш учун ҳаракат қилишининг ўзгинаси бўлур эди.

Ўзининг ижодий кучларини хўжалик ва маданий ривожланишнинг жуда катта планларини амалга оширишга, ўз фаровонлигини янада оширишга сарфлаётган совет халқи барча мамлакатларнинг халқлари билан, шу жумладан Германия Федератив Республикасининг халқи билан ҳам тинчликда яшашни истайди. Лекин совет халқи Совет Иттифоқининг ғарб чегаралари яқинида, бир авлоднинг умри давомида Европада Ватанимизга қарши икки марта қилинган уруш бошланган жойда уруш хавфининг ўчоғи яна пайдо бўлаётганлигига, табиийдирки, бепарво бўлиб қараб туролмайди, ва бундан тегишли хулосалар чиқаришга мажбур бўлади.

Ғарбий Германияни атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш тарафдорларининг Германия Федератив Республикаси аҳолисини Совет Иттифоқи ва коммунизм томонидан қандайдир таҳдид бўлаётир, деб чўчитиш йўлидаги уринишлари ҳаммага яхши аёндир. Германияда шу нарсани унутишлари мумкин эмаски, Гитлер ҳам агрессив урушга тайёргарликни «коммунизм хавфи» билан курашиш байроғи остида олиб борган эди. Совет Иттифоқи халқлари, Ғарбий Германия аҳолиси ва биринчи навбатда ўтган уруш ғожиаларини бошидан кечирган авлод яқин ўтмишда нацистларнинг жиноятларига озиқ бўлган бу хилдаги уйдирмаларга яна алданмаслар, деб ишонилари келади.

СССР Олий Совети шу нарсани эътиборсиз қолдира олмайдики, бундесверни атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш тўғрисидаги қарор халқаро кескинликни юмшатиш, қуролярғаларни қисқартиш ва қирғин атом урушининг бошланиб кетиш хавфини камайтириш мақсадида давлатларнинг юксак доирада кенгашини ўтказишга астойдил тайёргарлик бошланган бир пайтда қабул қилинди. Германия Федератив Республикасини атом билан қуролланиш гирдобига тортишга шошилмоқдалар ва юксак доирада бўладиган кенгаш олдидан мана шу ҳарбий тадбирларни ўтказиб, бу кенгашнинг муваффакият қозонишига халакит беришни очиқдан-очиқ истамоқдалар. Шу тариқа Ғарбий Германия халқаро кескинликни юмшатишга ва етилган халқаро проблемаларни тинч йўл билан ҳал қилишга энг ашаддий қаршилик кўрсатаётганлар билан яна бир сафга ўтиб олмоқда.

Бундесверни атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш тўғрисида қарор қабул қила туриб, контроллик остида умумий қуролсизланишга интиламиз деган гапларни айтмоқдалар. Бироқ, бу гаплар ҳеч кимни ишонтириши мумкин эмас, чунки бу гаплар Германия Федератив Республикасида мамлакатни атом ва ракета билан қуроллантириш соҳасида кўрилаётган амалий чора-тадбирларга бутунлай зид бўлиб тушмоқда. Ҳозирги кунда Германия Федератив Республикаси Ҳукумати бундесверни ракета ва атом қуроли билан қуроллантириш тўғрисида қарор қабул қилаётган экан, АҚШдан Американинг ракеталарини олиб келаётган экан, мана шуларнинг ҳаммаси эртага бу тадбирлардан воз кечиш учун қилинаётгани йўқ, албатта. Бу ишлар яна шу мақсад билан ҳам қилинаётганлиги очиқ кўриниб турипти, юксак доирада кенгаш чақирилмасдан олдиноқ Польша Халқ Республикасининг тинчликсевар халқлар томонидан қўллаб-қувватланаётган таклифига биноан Марказий Европада атомсиз зона вужудга келтириш тўғрисида битимга келиш йўлида янги тўсқинликлар туғдирмоқчилар ва Ғарбий Германиянинг бу зонада қатнашуви учун йўлни олдиндан тўсиб қўймоқчилар.

СССР Олий Совети Бундестагнинг эътиборини шу нарсага жалб қиладики, Совет ҳукумати атомсиз зонанинг статусини ҳурматлаш ва шу зонага кирадиган давлатлар территориясини яъни Германия Федератив Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша ва Чехословакия территорияларини атом, водород ва ракета қуролини қўлланиш доирасидан чиқарилган территориялар деб ҳисоблаш тўғрисида ўз зиммасига тантанали мажбурият олишга тайёр эканлигини билдирди. Германия Федератив Республикасини атом билан қуроллантириш тўғрисидаги қарор амалга оширилиши, бу нарса Ғарбий Германиянинг муқаррар шундай бир аҳволга солиб қўйдики, бундай ҳолда ҳарбий конфликт бўлиб қолган тақдирда ракета-атом урушининг довули Ғарбий Германия территориясидан елиб ўтиб, унинг территориясини ҳаётсиз маконга айлантириб кетади.

Ғарбий Германия территориясида атом урушига кўрилаётган тайёргарликлар сабабли немис миллатининг тақдири тўғрисида ташвиш тортаётган миллион-миллион немисларни ҳаяжонлантириб турган хислар совет халқига яқин ва тушунарли ҳислардир. Кейинги ҳафтада Ғарбий Германияда норозилик ҳаракати авж олиб кетди. Бу ҳаракатга «Атом ажалига қарши» ҳаракат деб ном берилганлигининг ўзи бу ҳаракатнинг қандай ҳаракат эканлигини кўрсатиб турибди. Совет кишилари бу ҳаракатни немис халқининг ўз келажаги учун чуқур ҳаяжонга тушганлигини ифодаловчи ҳаракат деб айтмоқдалар. СССР Олий Совети немис халқининг соғлом ақли ва ҳаётий тажрибаси Германия Федератив Республикасини ақлга тўғри келмэйдиган, ҳалокат келтирадиган қадамлар қўйишдан тўхтатиб қолади деб ишонаётган немисларнинг умидига қўшилади.

Ғарбий Германиянинг атом билан қуроллантирилиши немис халқининг миллий бирлигини тиклашга Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикасининг бирбирига яқинлашуви ва бир-бири билан битимга келиши орқали олиб келадиган ва ҳозирги мавжуд шароитда якка-ягона бўлиб қолган бирдан-бир йўлни бутунлай бекитиб қўйган бўлур эди.

Германия бирлигининг душманлари НАТО ҳарбий планларининг манфаати учун, аниқроқ қилиб айтганда, бу ҳарбий гуруҳда бош роль ўйнаётган бир давлатнинг манфаати учун немис халқининг ҳаётий манфаатларини менсимасликдан қайтмаётирлар.

Буни Германия Федератив Республикаси Ҳукумати Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласини ҳукуматлар бошлиқларининг кенгашида муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашдан бош тортаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, ҳар қандай немис ҳукумати сулҳ шартномаси тузишга интилиши лозим эди ва шундай бўлади деб кутиш керак эди.

Совет Иттифоқи Германиянинг миллий ва давлат бирлигини тиклаш йўлларини биргалашиб қидиришда ҳар иккала герман давлатига ёрдам беришга ўзининг тайёр эканлигини неча марталаб айтганлиги Бундестагга маълумдир. Лекин, агар бундесверни ядро қуроли билан қуроллантириш тўғрисидаги қарор амалга оширилиб, НАТО қатнашчилари бўлган бошқа давлатларнинг атом ва ракета установкаларини жойлаштирмоқ учун Ғарбий Германия территорияси бериб қўйилиб, у ҳолда бундан кейин мана шундай ёрдам кўрсатмоқ учун Совет Иттифоқида қандай реал имкониятлар қолиши мумкин?

Ғарбий Германияда ўтган урушнинг излари ҳали батамом йўқолиб кетмаган, ҳар бир немис оиласи ҳалок бўлган ёки майиб-мажруҳ бўлган ўз яқинларини эслан чиқармаган бир вақтда мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органида «қуролланамиз, қуролланамиз, қуролланамиз!» деб талаб қилган ҳайқириқлар яна эшитилмоқда. Совет кишилари немис халқининг бу ҳалокатли йўлга тушмоқчи бўлганлигига ишонтиси келмайди, албатта.

Халқларнинг атом уруши хавфидан инсониятни халос этишни якдиллик билан қилаётган талабларига хилоф равишда Ғарбий Германия атом билан қуроллантирилаётганлиги тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатларига душман бўлган кучлар қандай ҳалокатли ишларни қилиш ниятида эканликларини кўрсатиб турибди. Лекин Совет Иттифоқи атом уруши хавфининг олдини олиш учун изчиллик ва сабот билан кураш олиб бориш йўлидан қайтмайди. Олий Совет Бундестагга шу Мурожаат қабул қилинган мажлиснинг ўзида атом ва водород қуролининг ҳамма турлари синовларини бошқа мамлакатларнинг тўхтатишини кутмасдан Совет Иттифоқининг ўзи бу синовларни тўхтатишига қарор қилди.

СССР Олий Совети Ғарбий Германиянинг атом билан қуроллантирилишига доир тадбирлар муносабати билан ўз мулоҳазаларини Бундестагга билдиришни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди, чунки Совет Иттифоқи Германия ўз қўшниларига таҳдид солмаслиги учун ёки бутун дунёда тинчликни сақлашга таҳдид солмаслиги учун Германия билан сулҳ шартномаси тузилганига қадар алоҳида масъулиятни ўз устига олган тўрт буюк давлатнинг биридир. Ғарбий Германияни атом билан қуроллантириш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида туғиладиган хавф-хатарлар тўғрисидаги ҳақиқатни Германия Федератив Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи депутатлари билишлари ва шу сабабли туғиладиган оқибатларни ўз масъулиятларини сезиб салмоқлаб кўра олишлари учун Олий Совет ўз қўлидан келган ҳамма чораларни кўришни истайди.

СССР Олий Совети совет ва немис халқларининг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги куч-ғайратларини бирлаштиришга интилиб, шу Мурожаатни юборяпти. Тинчлик душмандари совет халқи билан немис халқи ўртасида жанжал чиқаришга эриша олгундек бўлсалар, бу нарса фақат мамлакатларимизнинг халқлари учунгина эмас, шу билан бирга жаҳоннинг бошқа халқлари учун ҳам бениҳоя катта бахтсизлик бўлур эди.

СССР Олий Совети мана шу масъулиятли пайтда Германия Федератив Республикасида Германия Федератив Республикасини ҳалокатли йўлга солиб юборишга йўл қўймайдиган кучларнинг қўли баланд келади деб ишонч билдиради. Умумий тинчлик манфаатлари, Европа халқлари хавфсизлигининг манфаатлари, шу жумладан немис халқининг ўз фаровонлигини ва тинчлигини таъминлаш манфаатлари Германия Федератив Республикасининг хатарли авантюраларга тортишга қаратилган урунишларни рад этишини ва тинчлик сиёсатини ўтказиш йўлига, ҳамма халқлар билан дўстлик ва ҳамкорлик қилиш йўлига тушиб олишини қатъий талаб қилади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ.

Москва, Кремль
1958 йил 31 март.

Ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласи юзасидан дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларига

СССР Олий Советининг

МУРОЖААТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети ядро қуроли синовларини сўзсиз ва дарҳол тўхтатиш масаласи юзасидан дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларига мурожаат қилади. Атом ва водород қуролини синаб кўриш тариқасида портлатишнинг давом эттирилаётганлиги барча мамлакатларнинг ҳалқларини ғаст ташвишлантирмоқда ва хавотир қилмоқда, барча кишиларнинг, уларнинг қайси қитъада яшашидан қатъи назар, ҳаётий манфаатларига таҳдид қилмоқда.

СССР Олий Совети 1957 йил 10 майда ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг парламентларига—Америка Қўшма Штатлари Конгрессига ва Буюк Британия Парламентига мурожаат қилди ва ана шу қурол синовларини тўхтатишга олиб келадиган ва ўзаро келишилган тадбирларни қабул қилишни таклиф этди. СССР Олий Совети 1957 йил 21 декабрда Қарор қабул қилди ва бу Қарорда СССР, АҚШ ҳамда Буюк Британия атом ва водород қуролининг ҳар қандай синовларини 1958 йил 1 январдан тўхтатиш мажбуриятини олсинлар, деб таклиф қилди.

Афсуски, АҚШ ва Буюк Британиянинг тутган позицияси орқасида ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани шу вақтгача ҳал этиш иложи бўлмади. Атом ва водород бомбаларини синов тариқасида портлатишлар давом этмоқда. Бунинг устига, ялпи қирғин қуролининг янги, янада кўпроқ қиргинчилик келтирадиган турларини вужудга келтириш соҳасидаги мусобақа гоят тез кучайиб бормоқда.

Атом ва водород қуролини синов тариқасида портлатишлар ҳатто, тинч вақтда ҳам ҳозир яшаб турган кишиларнинг ва келгусидаги авлодларнинг соғлигини хавф остида қолдириб, ҳалокатли таъсир кўрсатади. Бир талай мамлакатлардаги жуда кўп жамоат арбоблари ва минг-минглаб атоқли фан намояндалари атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатишни тобора қаттиқ талаб этмоқдалар. Мўътабар олимлар ана шу масалани ҳал этишни кечиктириш мумкин эмаслигига эътиборни жалб этмоқдалар, чунки ядро портлашлари натижасида радиоактив заррачаларнинг тўпланиши инсониятга жуда катта зарар етказиши мумкин.

Атом ва водород қуроли ҳозирча атиги уч давлат ихтиёрида бўлганлиги сабабли, ҳозирги вақтда ядро синовларини тўхтатиш масаласини ҳал этиш анча енгил эканлиги ҳам бу масалани тезроқ ҳал этиш кераклигини кўрсатади.

Ядро қуроли синовларини ҳамма ерда тўхтатишга амалий асос қўйишга ва бу билан инсониятни қирғинчилик келтирадиган атом уруши хавфидан узил-кесил ҳалос қилиш йўлида биринчи қадам қўйишга интилиб, СССР Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини бошқа давлатлар тўхтатишини кутмасдан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши ҳақида қарор қабул қилди.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат буюк иш учун парламентларнинг халқлар олдида гоят жавобгар эканликларини яхши билиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети ядро қуроли ишлаб чиқараётган давлатларнинг парламентлари бўлмиш Америка Қўшма Штатлари Конгрессига ва Буюк Британия Парламентига мурожаат қилди ва барча давлатларнинг атом ҳамда водород қуроли синовларини абадий тўхтатишлари тўғрисидаги масалани, ниҳоят, узил-кесил ҳал этиш учун ўзларининг ҳамма таъсирларидан фойдаланишга зўр бериб даъват этди.

Олий Совет бошқа мамлакатларнинг парламентларини дунёнинг барча мамлакатларидаги миллионларча кишиларнинг орзу-тилакларига жавоб берадиган ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақиради.

СССР Олий Совети чуқур ишонч билдириб айтадики, атом ва водород қуролига эга бўлган барча давлатларнинг ана шу қурол синовларини дарҳол тўхтатишлари дунёдаги катта ва кичик барча мамлакатларнинг, уларнинг атом қуролига эга бўлишлари ёки эга эмасликларидан қатъий назар, манфаатларига жавоб берган бўлур эди. Ядро синовларининг ҳалокатли таъсири учун географик чегараларнинг ҳам, давлатлар ўртасидаги сиёсий тафовутларнинг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шу сабабдан ҳар бир давлат ана шу синовларни тўхтатиш тўғрисидаги масалага ўз муносабатини белгилаб олиши керак. Ана шу масалани ҳал этиш учун асосий жавобгарлик ядро қуролига эга бўлган ва бу қуролни синаб кўраётган давлатлар зиммасига юкланади, албатта. Лекин бу гаплан бошқа мамлакатлар ана шу муҳим ишга ўз ҳиссаларини қўша олмайдилар, деган маъно асло келиб чиқмайди, Ҳар бир давлат, унинг буюк давлат ёки кичик мамлакат бўлишидан, БМТ аъзоси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, атом ва водород бомбалари хавфли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги умумхалқ талабларини қувватлаб, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш учун катта ёрдам кўрсата олади.

Ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар Совет Иттифоқидан ибрат олиб ана шу қурол синовларини тўхтатадиган бўлсалар, у ҳолда атом ва водород қуроли синовларини ҳамма жойда тўхтатиш тўғрисидаги масала абадий ҳал этилади. Бунинг натижасида атом қуроли билан зўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва барча халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида олға қараб катта қадам қўйилган бўлади. Бу эса халқаро вазиятни соғломлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлади ва ҳал этилмаган бошқа кўплгина халқаро проблемаларни ҳал этишга ёрдам беради. Бунга шак-шубҳа йўқ.

АҚШ ва Буюк Британия Совет Иттифоқининг ана шу инсонпарварлик руҳидаги қарорига қўшилишни истамасалар ва атом ҳамда водород қуролини синов тариқасида портлатишни давом эттирадиган бўлсалар, у ҳолда Совет ҳукумати СССР хавфсизлиги манфаатларини кўзда тутиб, Совет Иттифоқининг ядро синовлари ўтказиши тўғрисидаги масалада юқорида айтилган ҳолатларни эътиборга олиб, эркин ҳаракат қилади. Аммо СССР Олий Совети ядро қуроли синовларини тўхтатиш соҳасида Совет Иттифоқи кўрсатган ташаббус Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британиянинг тегишли тадбирлари билан қўллаб-қувватланади, деб ишонади.

СССР Олий Совети дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентларини ядро қуроли синовларини халқларнинг орзу-тилакларига, бутун инсониятнинг орзу-тилакларига мувофиқ суратда ҳамма ерда ва узил-кесил тўхтатишга қаратилган тадбирлари бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга чақиради.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ.

Москва, Кремль.
1958 йил, 31 март.

Гитлерчиларга қарши коалицияда қатнашган давлатларнинг ва иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар агрессиясидан зарар кўрган мамлакатларнинг парламентларига мурожаат қилишни палаталарнинг раисларига топшириш тўғрисида

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Гитлерчиларга қарши коалицияда қатнашган давлатларнинг ва иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар агрессиясидан зарар кўрган мамлакатларнинг парламентларига СССР Олий Совети номидан мурожаат қилиб, Германия Федератив Республикасининг атом ва ракета қуроли билан қуролланишининг олдини олиш мақсадида бутун кучларини бирлаштиришга даъват этиш Иттифоқ Советя ва Миллатлар Советининг раисларига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1958 йил, 31 март.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Д. С. ПОЛЯНСКИЙНИ РСФСР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Дмитрий Степанович **Полянский** РСФСР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ТАРАСОВ.
РСФСР Олий Совети Президиумининг Секретари П. ЗИМИН.

Москва, 1958 йил 31 март.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан, узоқ йиллар ва ҳалол ишлаганлиги учун, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясининг масъул секретари **Йўлдош Шамшаров** Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси

31 март кундузи соат учда Катта Кремль саройида СССР Олий Совети **Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг** қўшма мажлиси очилди. Залда меҳмонлар кўп. Улар орасида—саноат ва кишлоқ хўжалик новаторлари, атоқли маданият арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари; Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг вакиллари бор. Дипломатик корпус, совет ва чет эл матбуоти ложалари лиқ тўла.

Раис столи олдида—Иттифоқ Советининг Раиси депутат **П. П. Лобанов**, Миллатлар Совети Раиси депутат **Я. В. Пейве**, палаталар раисларининг ўринбосарлари ўтиришибдилар.

Ложаларда—**А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Я. Э. Калнберзин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе** ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ўтиришибдилар. Уларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. С. Хрушчев** «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги масала юзасидан охирги сўзни айтди.

Иттифоқ Совети Қонун лойиҳалари комиссиясининг Раиси депутат **Д. С. Полянский** ҳар иккала палата Қонун лойиҳалари комиссиялари номидан депутатларнинг кўриб чиқиши учун колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тақдим этади. Олий Совет бу Қонунни бир овоздан қабул қилади.

Сўнгра сессия кун тартибининг навбатдаги масаласига—СССР Ҳукуматини тузишга ўтади.

СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. С. Хрушчева** сўз берилади. У СССР Министрлар Советининг партия Марказий Комитети томонидан маъқулланган составини сессия тасдиқига киритади. Олий Совет СССР Ҳукуматини—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советини бир овоздан тасдиқлайди.

Сессия—атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилади. СССР Ташқи ишлар министри депутат **А. А. Громико** бу масала юзасидан Совет Ҳукумати номидан баёнот берди.

Муҳокама қилинаётган масала устида музокаралар бошланади. Ленинграддаги «Электросила» заводининг токари депутат **Н. И. Першинга** сўз берилади.

—Мен ўз сайловчиларимнинг наказини бажариб,—дейди у, — атом қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги баёнотни депутат сифатида қизғин қувватлайман. Бу таклифни мамлакатимизнинг ҳамма меҳнаткашлари қувватлашига аминман.

Пировардида нотиқ делики, совет ишчилари ўз қарлошларининг — АҚШ, Англия ва Франция ҳамда бошқа капиталистик мамлакатлардаги ишчиларнинг ўз қатъий сўзларини айтишларига, ўз мамлакатларининг парламентидан Совет Иттифоқидан ўрнак олишни талаб қилишларига ишонатилар.

Биз совет олимлари, деди академик депутат **И. В. Курчатов**, атом ва водород қуролини ҳеч сўзсиз тақиқлаш тўғрисида шу вақтгача халқаро битим тузилмаганлигини кўриб ғоят ҳаяжонланмоқдамиз. Бизнинг олимлар жамоатчилиги ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш кераклигини қатъий қилиб айтди. Бизнинг бу талабимизни чет эллардаги йирик олимлар қувватламоқдалар.

Биз шу улуғ минбардан туриб, бутун дунё олимларига мурожаат қиламиз ва уларни бошқариладиган термоядро резкциясини амалга ошириб, водород ядроларини синтез қилиш натижасида ҳосил бўладиган энергияни вайронлик келтирувчи қуролдан ер юзидаги ҳамма кишиларга фаровонлик ва хурсандлик келтирувчи энергиянинг қудратли ҳаётбахш манбаига айлантирмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштиришга чақирамиз.

Барча совет олимлари сингари мен ҳам бошқа мамлакатларнинг атом ва водород қуроли синовини тўхтатишни қутмаслан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши тўғрисида Совет Ҳукумати томонидан киритилган таклифни қизғин қувватлайман.

Черкасси облстидаги «Радяньска Украина» колхозининг раиси депутат **Г. Е. Буркацкая** ёркин нутқ сўзлади.

—Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатишни ёқлаб, деди у, чин кўнгилдан овоз бераман. Ўз меҳнатимизни, ақлимизни, тажрибамизни, билимларимизни сарфлаб, ерларимизни меҳр-муҳаббат билан обод қилмоқдамиз, кун сайин қишлоқларнинг янги қиёфасини яратмоқдамиз. Инсон қўли билан ўстирилган олтин буғдой ва бошқа ажойиб меваларнинг емириб ташланишига, уйларимизнинг ер билан яксон қилинишига қандай қилиб йўл қўйишимиз мумкин.

Нотиқ капиталистик мамлакатлардаги уруш оловини ёқувчилар тўғрисида, уларнинг одамлар нафас олаётган ҳавони, ернинг одамларга ризқ бўлаётган меволарини инсонларга ҳаёт эмас, балки ўлим келтирадиган нарсага айлантирмоқчи бўлаётганликлари ҳақида ғазаб билан гапиради. У немис хотин-қизларига герман фашистлари томонидан бошланган иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оқибатларини эслатади.

Депутат Буркацкая бутун дунё хотин-қизлари ядро қуроли синовларига қарши ўз фикрларини якдиллик билан айтдилар, Совет Иттифоқининг ташаббусини қувватлайдилар, деб ишонч билдиради.

ВЦСПС раиси депутат **В. В. Гришин** делики, Олий Советнинг Совет Иттифоқида атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги Қарори лойиҳаси Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини кўрсатувчи янги ёқин далилдир. Бутун дунёдаги оддий кишилар урушга, зўр бериб қуролланишга ва ялпи қирғин қуролини ишлаб чиқаришга қарши чиқмоқдалар. Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш учун бошланган умумий харакатда хозирги вақтда ўз сафларида миллион-миллион меҳнаткашларни бирлаштирган касаба союзларининг овози зўр куч бўлиб янграмоқда.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг топшириғига биноан, депутат В. В. Гришин атом ва водород қуроли синовларини бошқа мамлакатлар тўхтатишини қутмаслан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши тўғрисида Олий Совет Қарорини қабул қилишни таклиф этди.

Мазкур комиссиялар номидан ўртоқ Гришин СССР Олий Советининг ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида Америка Қўшма Штатлари Конгрессига, Буюк Британия парламентига ва бошқа мамлакатларнинг парламентларига Мурожаатини қабул қилишни ҳам таклиф этади.

Ёзувчи депутат **Л. М. Леонов** (РСФСР) бундай дейди:

—Бу ерда сўзга чиққан бошқа нотиқлар каби мен ҳам Ҳукуматимизнинг Совет Иттифоқи атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиши тўғрисидаги баёнотини ғоят тўлқинланиб тингладим. Ихтиёрий равишда ва мардлик билан қилинган бу иш тўғрисидаги хабар ер юзининг ҳамма жойида Совет Иттифоқига нисбатан қизғин миннатдорчилик билан қабул қилинади, чунки техниканинг ҳамма соҳасида ўзи устун бўлиб тургани ҳолда Совет Иттифоқи замонамизнинг энг зарур вазифасини ҳал қилишда ташаббус кўрсатади.

Пировардида депутат Леонов тинчлик ишини ҳал этувчи кишиларнинг ҳаммасини СССР Олий Совети сессиясида янграган бу оқилона овозга қулоқ солишга чақиради.

Депутат **З. Раҳимбобоева** (Ўзбекистон ССР) делики, Совет Иттифоқининг бу тарихий ишини ҳамма халқлар қўллаб-қувватлашига шаксиз ишонаман. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг топшириғига биноан, ўртоқ Раҳимбобоева СССР Олий Советининг Германия Федератив Республикаси Бундестагига мурожаати лойиҳасини ўқиб беради. Сўнгра депутат СССР Олий Советининг Қарори лойиҳасини ўқиб эшиттиради. Бу Қарор лойиҳасида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Раисларига гитлеризмга қарши коалицияда қатнашган давлатларнинг парламентларига ва иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар агрессиясидан жафо тортган мамлакатларнинг парламентларига СССР Олий Совети номидан мурожаат қилиб, уларни Германия Федератив Республикасининг атом ва ракета билан қуроллантирилишининг олдини олиш мақсадида ўз куч ва ғайратларини бирлаштиришга чақириш топширилган.

Олий Совет атом ва водород қуроли синовларини бошқа давлатлар тўхтатишини қутмаслан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши тўғрисидаги масалага доир Қарорни бир овоздан қабул қилади. Сўнгра ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласи тўғрисида Америка Қўшма Штатлари Конгрессига мурожаат қабул қилинади. Буюк Британия парламентига, жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг парламентларига ҳам айнан шундай мурожаат қабул қилинади. Германия Федератив Республикаси Бундестагига мурожаат қабул қилинади.

Сўнгра сессия СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Раисларига гитлеризмга қарши коалицияда қатнашган давлатларнинг ҳамда иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар агрессиясидан жафо тортган мамлакатларнинг парламентларига мурожаат қилиб, уларни Германия Федератив Республикасини атом ва ракета қуроли билан қуроллантиришнинг олдини олиш мақсадида ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштиришга чақириш топширилсин, деган Қарорни қабул қилади.

Кун тартибидаги масалалар тамом бўлади. СССР Олий Советининг бешинчи чақириқ биринчи сессияси ёпиқ деб эълон қилинади. (ТАСС).

АТОМ ВА ВОДОРОД ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ТЎХТАТИШ ҲАҚИДА

СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. ГРОМИКОнинг Совет ҳукумати номидан қилган баёноти

Депутат ўртоқлар,

СССР Министрлар Совети бешинчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг муҳокамасига «Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида» деган масалани киритди. Менга совет ҳукуматининг бу ҳақдаги мулоҳазаларини сизларга айтиб бериш топширилди.

Сизларга маълумки, Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини батамом ва ҳеч сўзсиз тўхтатишни муттасил талаб қилиб келмоқда. Бир неча йилдан бери бизнинг мамлакатимиз АҚШни ва Буюк Британияни шу масала устида битим тузишга даъват қилиб келмоқда. Бироқ, афсуски, қўлида атом ва водород қуроли бўлган давлатлар орасида шу кунгача фақат Совет Иттифоқининг ўзигина атом ва водород бомбаларини портлатиб синашга хотима берадиган битимни ҳеч кечиктирмай имзолашга тайёр эканлигини айтаётган бирдан-бир давлат бўлиб қолмоқда. Совет ҳукумати бундай битим тузишга катта аҳамият бераётир, чунки ўтказилаётган ядро қуроли синовлари совет кишиларининг ҳам, шунингдек ҳар бир мамлакатда, жаҳоннинг ҳар бир қисмида яшаб турган ҳар бир кишининг ҳам ҳаётий манфаатларига дахил қилмоқда.

Албатта, биз синовларни тўхтатиш билан атом уруши хавфи батамом йўқотилмаслигини биламиз. Шу сабабли, биз синов портлатишларини тўхтатишни талаб қилишимиз билан бир вақтда, атом ва водород қуролининг ҳамма турларини ҳеч сўзсиз тақиқлаш, бу қуролни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва тегишли контроль жорий қилган ҳолда, бу қуролнинг мавжуд запасларини батамом йўқ қилиб ташлаш тўғрисида бошқа давлатлар билан битимга келишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз деб ҳисоблаётганлигимизни очиқ ва равшан айтмоқдамиз. Бироқ, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари бундай қилишга ўзларининг тайёр эканликларини шу вақтгача билдирмаётирлар, ваҳоланки, ядро қуролини яратган уч давлатнинг шундай битимга келишини бутун инсоният ҳеч шубҳасиз зўр мамнуният билан кутиб олган бўлур эди. Ядро қуролини тақиқлаш ва тугатиш тўғрисида ҳозирча битимга келиш мумкин бўлмаётганлиги сабабли СССР ҳукумати одамларни ядро қуроли билан ҳозирги вақтда давом қилаётган зўр бериб қуролланишнинг ҳалокатли оқибатларидан маълум даражада халос қиладиган тегишли жузъи чораларнинг ўзи мушкилликдан олиб чиқадиган йўл бўлади деб ҳисоблайди. Совет ҳукумати атом ва водород қуроли синовларини тўхтатишнинг ўзини шу йўлда кўрилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги тадбир деб ҳисоблайди.

Қуролнинг шу турларини портлатиб синашларни тўхтатиш вазифаси техника характеридаги қандайдир тор проблема эмас. Бу проблема катта сиёсий ва халқаро маънавий аҳамиятга эга бўлган проблемадир. Бу проблемани ҳал қилиш орқага сурила берар экан, тайёрланаётган атом уруши гирдобига халқларни тобора чуқурроқ ботиришни истаган кучлар ҳар ойдан, ҳар ҳафтадан тинчлик манфаатларига зарар етказиш учун фойдалана берадилар.

Хўш, атом бомбаларини, водород бомбаларини ва ядро қуролининг бошқа турларини синаш нима мақсадда ўтказилмоқда? Бунинг жавоби фақат битта бўлиши мумкин ва буни ҳеч ким яшираётгани йўқ: шу портлатишларнинг мақсади ва маъноси ялпи қирғин қуролининг янги, тағин ҳам кўпроқ вайронлик ва ўлим келтирадиган турларини ишлаб чиқаришдан ва шу қуролни ҳарбий вазиятда қўлланиш шароитини ўрганишдан иборатдирки, бу шароитни ўрганиш кейинги навбатда турган вазифалардан ҳисобланаётгани йўқ. Шу тарика инсоният тобора жуда катта хавф-хатар ичида—ракета-атом уруши бошланиб кетишдан иборат хавф-хатар ичида қолмоқда.

Атом ва водород қуроли синовларига хотима берилмас экан, ядро қуроли билан бундан буён ҳам зўр бериб қуролланишни тўхтатишга умид қилиб бўлмаслиги ҳар бир кимсага равшандир.

Очиқ кўриниб турган факт шуки, бир томон кетма-кет синов портлатишларини бошлаши биланоқ, бошқа томон ҳам шундай қилишга киришади ва орқада қолмаслик учун бунга жавобан портлатишлар ўтказишга шошилади. Буни ҳам унутиш ярамайди.

Маълумки, Америка Қўшма Штатларининг масъул доиралари ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келишдан бош тортмоқ учун баҳона топишга уриниб, кейинги вақтларда, камроқ радиоактивлик ҳосил қиладиган қандайдир «соф» ядро бомбалари яратиш мақсадида шундай синовлар ўтказилаётир, деган даъволарни қилмоқдалар. АҚШда шундай «соф» бомбаларнинг сифатлари шу қадар чиройлик қилиб тасвирланмоқдаки, бу тасвирларни ўқиган киши худди одамларни ёппасига қириш воситалари тўғрисида гап бормаслан, балки инсониятнинг равнақига хизмат қиладиган воситалар тўғрисида гап бораётганга ўхшайди деб ўйлаши мумкин.

Башарти шундай «соф» водород бомба ўйлаб чиқаришга муваффақ бўлинган тақдирда ҳам, «соф бўлмаган» водород бомба остида қолиб ўлишдан кўра «соф» водород бомба остида қолиб ўлиш одамлар учун роҳат бўлади, деб ҳисоблашга асос борми-йўқми эканлигини ўшандай даъволарни ўйлаб чиқараётган кишиларнинг виждонига ҳавола қилган ҳолда, шуни қайд қилиб ўтиш заррки, «соф» ядро қуроли тўғрисидаги уйдирма фикрлар асосий масаладан эътиборни чалғитиш учун ўйлаб чиқарилган гаплардир. Америкадаги атоқли атомчи олимларнинг бир группаси эълон қилган баёнотда ҳақли равишда айтиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда ҳаҳон аҳли учун «соф» водород бомбани танлаб олиш керакми, ёки «соф бўлмаган» водород бомбани танлаб олиш керакми, деган масала асосий масала бўлмасдан, балки атом урушига йўл қўйиш керакми, ёки ядро қуроли даҳшатларидан ҳоли бўлган тинчликни таъминлаш керакми, деган масала асосий масаладир. Ҳозирги вақтда масалани ана шу тахлитда ҳал қилиш керак.

Ядро синовларини тўхтатиш Ғарб мамлакатларида атом ва водород бомба даҳшатини кучайтиришни ўзига асосий вазифа қилиб олиб, бу қуролга дабдабали, лекин негизи бутунлай сохта бўлган «тийиб турувчи восита» деб ном қўйиб олган ва шу тарика ўт билан ўйнашаётган сиёсатчиларни мушкул аҳволга солиб қўйган бўлур эди, деб айтувчилар бор. Бу сиёсатчилар, бизнинг кўлимизда шундай бомбаларнинг бўлиши тинчликни таъминлайдиган жуда ҳам мустаҳкам гарантиядир, деган сохта фикрни ҳалқларнинг миясига сингдиришга уринмоқдалар. Улар АҚШнинг собиқ президенти Трумэнга ўхшаб қолмоқдалар. Маълумки, Трумэн зўравонлик позициясига таянувчи агрессив сиёсатни ҳимоя қилиб ҳамда Японияларга Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташлаш тўғрисида ўзининг бир вақтда берган буйруғини энди оқлашга уриниб яқинда сўзлаган гапида, мазкур шаҳарларга атом бомбалар ташланганлиги «Японияннинг ҳам, шунингдек иттифоқчиларнинг ҳам келгусидаги омонлиги учун кечиктириб бўлмайдиган ва зарур иш» бўлган эди, деб айтди. Лекин бундай мулоҳазалардан умуман атом ва водород бомбалари «омонлик» келтиради деб қилинадиган даъволарга ўтиш учун бир қалам қўйишнинг ўзи кифоя қилади. Энлиликда бу қурол инсониятга доимий йўлдош бўлади, деган фикрга ҳалқларни кўниктиримоқ учун шундай қилинаётганлигини пайқаб олиш қийин эмас.

Бундай фикрлар атом ва водород қуролини қўлланишдек ваҳшиёна планларни тузаётган, жаҳонни янги уруш гирдобига ташлашга тайёр бўлиб турган кимсаларгагина ёқиб тушади, аммо бундай фикрлар ҳалқларга, тинчлик манфаатларига бутунлай ёт фикрлардир. Бу фикрлардан инсон ақл-заковатининг энг улуғ кашфиётларини энг даҳшатли қирғин қуролига айлантираётган ижтимоий системага ишонмай қўйган одамлардаги чексиз умидсизлик кайфияти сезилиб турибди.

Ядро қуроли синовларини тўхтатишга қарши чиқаётган кимсалар бу қуролнинг синовларини тўхтатиш ядро қуролини батамом ва узил-кесил тақиқлайдиган ҳамда шу қуролни йўқ қилиб ташлайдиган вақтни яқинлаштиради, деб хавотир бўлмоқдалар. Лекин бу нарса шу талабнинг заиф томони эмас, балки кучли томонидир.

Ядро қуроли синовларини тўхтатиш шу қуролни ўкталишни ва авантюрадан иборат сиёсатни ўтказишни қийинлаштирадиган бўлса, НАТО ҳарбий штабларидаги «ситуация жуда хуруш қилган» кимсаларнинг бошига муздек сув бўлиб қуйиладиган бўлса, ана шунинг ўзи ҳам тинчлик ишининг катта ютуғи бўлади. Зотан ядро қуролининг ривожи шундай бир даражага бориб етдики, бундай шароитда бир-икки водород бомбанинг портлаши натижасида Европадаги унча кичкина бўлмаган давлат территориясидаги жонли нарсаларнинг ҳаммаси, ёки деярлик ҳаммаси ҳалок бўлиши мумкинлигини, шу билан бирга тегишли ракеталар ёрдами билан шу бомбаларни ер юзининг исталган жойига бир нафасда деярлик олиб бориб ташлаш мумкинлигини олимлар ҳам, ҳарбийлар ҳам, сиёсий арбоблар ҳам яхши биладилар. Ҳозирги аҳвол мана шу. Башарти, ядро қуролини такомиллаштириш бундан буён ҳам давом эттириладиган бўлса, жаҳон аҳлининг бошига қандай офатлар келишини тасаввур қилмоқ учун ўнчалик кенг фикрга эга бўлишнинг ҳожати йўқ.

Атом ва водород қуролини тўплай бериш тинчлик иши учун фойдали бўлади, қуролнинг тобора кўпроқ қирғин келтирадиган типларини ишлаб чиқишни тўхтатиш эса тинчлик иши учун зарар келтиради, деб виждонан даъво қилиши мумкин бўлган оптимист киши шу кунларда топилармикин? Башарти, Ғарбда ҳақиқатан ҳам шундай деб ўйлайдиган масъул давлат арбоблари бор бўлса, у ҳолда бундай арбоблар ҳом хаёлларга бутунлай берилиб кетибдилар ва рўй берган вазиятнинг жиддийлигини тушунолмай қолибдилар, деб айтишга тўғри келади. Бу эса, шундай арбоблар сиёсат тепасида турган мамлакатларнинг халқлари учун катта фожеадир ва тинчлик иши учун катта хатардир.

Ядро синовларининг зарари бундай синовлар атом ва водород қуроли ишлатиладиган уруш хавфини кўпайтиришгангина иборат эмас. Бу синовлар одамларнинг соғлиғига зарарли таъсир ўтказаётганлиги учун ҳам хатарлидир. Бу хусусда 44 мамлакатдаги 9.235 олимнинг шу йилнинг бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига топширилган мактубида жиддий равишда огоҳлантириб ўтилган. Совет Иттифоқи, АҚШ, Англия, Ҳиндистон, Чехословакия, Миср, Норвегия ва бошқа мамлакатларнинг шу мактубга қўл қўйган атоқли олимлари ядро бомбалари синовларини тўхтатиш тўғрисида дарҳол битим тузиш кераклигини айтмоқдалар. Бу масалага баҳо бериш учун фикрлари энг мўътабар деб ҳисобланиши керак бўлган бутун дунёнинг фан арбоблари ядро қуролини портлатиш тўхтатилмаётганлиги сабабли чуқур ҳаяжонга тушмоқдалар ва бу портлатишларнинг давом эттирилишига қарши норозилик билдирмоқдалар. Совет ҳукуматининг фикрича, бу огоҳлантиришларга қулоқ солмаслик жинояткорона енгилтаклик бўлур эди.

Дуруст, ядро қуроли синовлари натижасида туғилаётган хавф упчалик катта эмас, деб даъво қилаётган ва ўзларини биларман қилиб кўрсатаётган кишилар ҳам бор, бундай кишилар айниқса АҚШ да бор. Бизнинг фикримизча, улар кўра-била туриб ёлғон даъво қилмоқдалар. Уларнинг ядро билан қуролланишни зўр бериб давом эттиришни ҳамда атом ва водород қуроли синовларини ёқлаб келтираётган далиллари «совуқ уруш» илҳомчиларининг оладтаги бир қолипдаги важларига шу қадар яқинки, шу сабабли бу далилларга ишониш маҳолдир.

Бироқ, атом ва водород қуролини портлатиб синаш инсон учун ҳақиқатан қанча хавф-хатар келтириши аниқ белгиланган эмас, деб фараз қилайлик, бу синовлар замондошларимизнинг ва авлодларимизнинг соғлиғига ҳалокатли таъсир қилиши катта эканлиги аёндир, холос. Бунинг шундай таъсир қилиш эҳтимоли фақат 50 процент ёки 25 процент, ёхуд ҳатто 10 процент бўлади, деб ҳам фараз қилайлик. Модомики шундай экан, бундай шароитда ҳам миллион-миллион кишиларнинг тақдири тўғрисида гап бораётганида, шундай хавфни кўзда тутмасликка ҳаққимиз борми, ахир. Очиқ кўриниб турибдики, халқлар олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилиш қобилиятини бутунлай йўқотмаган бирор давлат арбоби, бирор ҳукумат буни эътиборга олмаслиги мумкин эмас.

Шуни ҳам пайқамаслик мумкин эмаски, Ғарбдаги, айниқса АҚШ даги баъзи арбоблар, ядро қуроли синовларининг тўхтатилиши Ғарб мамлакатларининг экономикаси учун хавф туғдиради, деб ҳисоблашмоқдалар. Улар, ядро синовларининг тўхтатилиши Ғарб мамлакатларидаги иқтисодий турмушни бузиб юбормасмикин, аниқроқ қилиб айтганда эса, бу тадбир йирик монополияларнинг умуман ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан, хусусан, атом ва водород қуроли ишлаб чиқаришдан олаётган ниҳоят даражада беҳисоб фойдаларидан маҳрум қилиб қўймасмикан, деб хавотир бўлаётганликларини очиқдан-очиқ айтмоқдалар. Баъзан АҚШ да Америка дипломатик маҳкамасини Совет Иттифоқи билан битим тузиш хавфли бўлади деб огоҳлантирувчи овозлар эшитилмоқда. Лекин, биринчидан, Совет Иттифоқининг шундай битим тузишга тайёр эканлигидан бу маҳкаманинг ўнчалик хабари йўққа ўхшайди; иккинчидан, шуни айтиб ўтиш ортиқча бўлмайдики, ўжарликни дипломатия соҳасида ҳам энг яхши хислат деб бўлмайди; учинчидан, энг муҳими шуки, Ғарб мамлакатларининг экономикасига хавф келтирадиган нарса ядро қуроли синовларини тўхтатиш эмас ва зўр бериб қуролланишни тўхтатиш эмас, балки ҳарбийлаштириш кўпроқ хавф келтирмоқда, чунки ҳозирги вақтда Атлантик блок қатнашчилари бўлган давлатларнинг бутун экономикаси ҳарбийлаштириш исканжасига солиб қўйилган. Шу мамлакатлар экономикасини ҳарбийлаштириш даражаси қанчалик юқори бўлса, бу экономиканинг иқтисодий ҳалокат жарига йиқилиши шунчалик тез бўлади, деб айниқса ҳозирги куннинг фактларига таяниб ҳисобламоқ учун бутун асослар бор. Ахир атом ва водород бомба ҳозирги кунда АҚШ даги 5 миллион 300 минг америкаликни ишсизликдан қутқариб қололмади-ку.

Ядро қуроли билан хатарли равишда зўр бериб қуролланишни тўхтатмоқ учун, атом ва водород бомбаларини портлатишнинг оқибатларидан одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилмоқ учун бундан кейин ядро қуроли синовларига йўл қўйилмаслиги керак. Атом уруши хавфини тугатиш йўлидаги бу ташаббусга қарши чиқаётган кимсалар ҳар қандай эътироз билдирсалар ҳам, бу тадбирни амалга ошириш ҳамда ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги халқаро битимнинг мутлақо бажарилишини таъминлаш сира мураккаб иш эмас.

Синовларни контроль қилиб туриш қийин ва деярлик мумкин бўлмайдиган иш деб Ғарбда зўр бериб тарқатилаётган важлар нақадар пучлигини қуйидаги мисолдан билиш мумкин. Яқинда биз Америка матбуотини ўқиб, шу нарсани билиб олдикки, АҚШнинг атом комиссияси базъи бир ядро портлатишларини (жумладан, ер остида қилинадиган портлатишларни) билиб олиш мумкин эмас, деган ўзининг даъвосини асосламоқ учун бундай портлатишларни узоқ масофада туриб рўйхатга олиш шароити тўғрисида ҳақиқатда кўп марталаб камайтирилган маълумотларни келтирди ва шу даъвонинг бутунлай тескарисини исбот қиладиган илмий маълумотларни, яъни контроллик қилиш батамом мумкин эканлигини кўрсатадиган ва ўз ихтиёрида бўлган илмий маълумотларни узоқ вақт давомида жамоатчиликдан яшириб келди.

Ядро портлатишларини пайқаб олиш мумкин эмас, деган ҳамма сохта даъволарнинг бирдан-бир мақсади — ядро билан зўр бериб қуролланишнинг давом эттирилаётганлигини оқлашдир. Совет Иттифоқидаги, шунингдек, Америка Қўшма Штатларидаги мутахассисларнинг практикаси ва фикри бу даъволарни бутунлай рад қилмоқда.

Бундан уч йил муқаддам Совет Иттифоқи синовларни тўхтатишни таклиф қилиб, АҚШ га ва Буюк Британияга биринчи марта мурожаат қилганида, Ғарб давлатларининг бу таклифга қарши билдирган эътирозлари, бу масалага доир битим тузиш ишончли контроль системасини ишлаб чиқишни талаб қилади, деб айтишдан иборат бўлди. Шу гапларнинг хаммаси қуруқ баҳона эканлиги ўша вақтнинг ўзида ҳам равшан бир нарса эди, чунки ҳозирги замон илмий-техника воситалари билан ҳар қандай ядро портлатилишини бемалол пайқаб олиш мумкин. Лекин СССР синовларни тўхтатишга қарши чиқаётган кимсаларнинг найранг ишлатишларига йўл қўймаслик учун ўзи контроль масаласига доир таклиф киритди.

Маълумки, Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотида таклиф киритиб, давлатларнинг атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги мажбуриятларни бажаришларини кузатиб турмоқ учун халқаро комиссия таъсис қилинсин ҳамда СССР, АҚШ, Англия территорияларида ва Тинч океан районида, шу жумладан, Австралияда шу комиссия раҳбарлигида ўзаро келишиб контроль постлари ўрнатилсин, деб айтди.

Совет Иттифоқининг бу таклифи ҳам контроль тўғрисида жуда кўп гапириб келаётган АҚШ ва Буюк Британиянинг давлат арбобларини, ниҳоят, синовларни тўхтатишга рози бўлишга кўндиролмаганидан кейин, натижада ҳал контроль устида бормаётганлиги, балки Ғарб давлатларининг муайян доиралари ядро билан зўр бериб қуролланишни чеклашни сира истамаётганликлари хатто энг соддалиб одамларга ҳам равшан бўлиб қолди. Синовларни тўхтатиш йўлида бошқа тўсқинлик бўлган эмас ва бундай тўсқинлик йўқ.

Ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида ҳозирги вақтда битимга келиш шунинг учун ҳам анча осонки, бунинг учун мавжуд объектив имкониятлар назарга олинадиган бўлса, ҳозирги вақтда бундай қурол фақат уч давлатда: СССРда, АҚШ да ва Буюк Британияда бор ва ишлаб чиқарилмоқда. Бинобарин, фақат шу уч давлат бир-бирлари билан келишиб битим тузсалар, шунинг ўзи билангина масала ҳал бўлади, холос. Яна бунинг устига шу давлатларнинг бири — Совет Иттифоқи — синовларни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бошқа ҳеч қандай масалалар билан боғламай, мураккаблаштирувчи шартлар қўймай, шундай битимга қатнашишга ўзининг тўла тайёр эканлигини айтганлигига анча вақт бўлди.

Орадан бироз вақт ўтгач, ядро қуроли ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг сони кўпайиб кетадиган бўлса, у ҳолда, синовларни тўхтатиш тўғрисида, умуман ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишни тўхтатиш тўғрисида битимга келиш анча қийин иш бўлиб қоладики, буни муфассал исбот қилиб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак. Мана шунинг ўзи ҳам синовларни тўхтатиш йўлида қўшимча қийинчиликлар туғилмаган ҳозирги пайтда шу синовларни тўхтатиш масаласини ҳал қилиш кераклигини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Англия атом ва водород қуроли соҳасида орқада қолиб кетди ва Совет Иттифоқига ҳамда Америкага етиб олмоқчи, шу сабабли Англия атом ва водород қуроли синовларини давом эттиришга муҳтож, деган гапларни баъзан эшитишга тўғри келади. Бу ғалати баҳона-ку! Дарҳақиқат, ядро синовлари давом эттириладиган бўлса, инглизлар тагин ҳам кўпроқ орқада қолиб кетмасдан, балки ўзларининг қолоқликларини албатта тугатадилар деб айтиш учун ҳеч бир асос борми? Ядро қуроли билан зўр бериб қуролланиш давом этаберадиган бўлса, бу пойгада қатнашувчиларнинг ҳаммаси кейинда қолмаслик учун ўзларининг бутун кучларини сарф қила беришлари очиқ кўриниб турган бир нарсадир. Бундай шароитда «қолоқликни тугатиш» ни мўлжаллаб иш кўриш ўнчалик фойда бермайди ва жиддий сиёсатни шундай пуч негизга асослашни ақлга тўғри келмайдиган иш дейиш мумкин.

Яна бунинг устига ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишда бундан буён қатнашиш Англия учун фойда келтирадими, ёки зарар келтирадими, деган масалада инглиз халқи кенг оммасининг фикри бор. Ядро синовларини дарҳол тўхтатиш учун, водород бомбалар ишлаб чиқаришга қарши халқ ҳаракати Буюк Британияда мислсиз зўр куч билан авж олиб бораётганлигини кўриб турибмизки, бунинг ўзи ҳам бечиз эмас.

Ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келишга Францияннинг қарши бўлиб чиқаётганлиги ғалати бўлса ҳам, лекин очиқ кўринниб турган фактдир. Аммо Францияннинг бунга нима учун қарши бўлиб чиқаётганлигини ҳеч ким билмайди. Франция, атом бомбаларини ишлаб чиқаришга тезроқ киришишни ва у ҳам «атом бомбасига эга давлат» бўлиб қолишни истаётир, деган гаплар бор. Бунга ишониш қийин бўлса ҳам, лекин ҳозирги кунда Францияннинг сиёсатини белгилаётган одамлар орасида, бу мамлакатнинг миллий манфаатлари Францияннинг ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишга кўшилишини ва ўзининг иқтисодий ресурсларини шу мақсадга сарф қилишини талаб этади, деб жиддий ўйлаётган кишилар борга ўхшайди. Лоақал Вьетнам ва Жазоирдаги урушларда шу мамлакатнинг миллий бойлиги шамолга совурилганлиги кифоя қилмаганмикин? Францияннинг ўзида бу йўлнинг Франция хавфсизлигининг ва миллий иқтисодиётининг чин манфаатларига сира тўғри келмаслиги тўғрисида ҳақли равишда огоҳлантираётган овозлар эшитилаётганлиги тасодифий эмас. «Францияда ясалган» деган штамп қўйилган атом ва водород бомба мамлакатнинг чинакам хавфсизлигига ва равнақига йўл очиб бериши лозим, деган гапларга жиддий равишда ишонадиган французлар кўп топилармикин? Бундай французлар кўп бўлмаса керак.

Атом ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш бу қуролнинг янада ёйилишига халақит берган бўлур эди, ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишга янгидан-янги мамлакатларнинг тортилишига боғ солган бўлур эди, мана шунинг ўзи ҳам тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушар эди, албатта.

Иккинчи томондан, атом ва водород қуроли синовларининг тўхтатилиши ҳамма халқлар нигорон бўлиб кутаётган би

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш ҳақида

СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. ГРОМИКОнинг Совет ҳукумати номидан қилган баёноти

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

СССРнинг синовларни тўхтатиш тўғрисидаги таклифи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларида, шу жумладан Бош Ассамблеяда ҳам муҳокама қилинди. Бироқ, бу органларда ҳам АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларининг бу масалага бўлган муносабати ўз таъсирини кўрсатди. Делегацияларнинг деярлик ҳаммаси ядро синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги таклифга ўзларининг ҳайрихоҳ эканликларини оғизда айтдилар-у, лекин овозга қўйиш пайти келиши билан АҚШга қарам бўлган, ғарб давлатлари томонидан тузилган турли ҳарбий блоклар бўйича олинган мажбуриятлар билан боғланиб қолган кўп мамлакатларнинг делегациялари АҚШ нинг позициясига карши овоз бериш учун қўл кўтаришга ботина олмай қолдилар.

Натижада ядро қуролининг янги турларини ишлаб чиқариш ва бу янги тур қуролларни портлатиб синай бериш соҳасидаги мусобақа тўхташ ўёқда турсин, балки тобора кенгайиб бормоқда, бу эса халқларнинг ўз эртанги кунлари учун бўлган ташвишларини кундан-кунга кучайтирмоқда. Эндиликда кўп кишиларга маълум бўлиб қолган кўзиқорин нусха нага-нага булутлар Тинч океан оролларининг устида ҳар сафар кўтарилганида Маршал оролларининг, Япониянинг ва Тинч океан ҳавзасидаги бошқа мамлакатларнинг аҳолиси ҳеч нарсалан бехабар япон балиқчиларининг бошига тушган кулфат бизнинг ҳам бошимизга тушмасмикин, деб ғазаб билан ташвишга тушаберади, маълумки, Американинг водород бомбасини синаб кўриши натижасида радиоактив зарралар ўша япон балиқчиларининг устига тушиб мажруҳ қилган эди. Ядро қуроли синовларидан воз кечишни истамаётган ҳукуматлар билан бундай синовларга ўз муносабатини алла қачон белгилаб қўйган жаҳон жамоатчилиги ўртасидаги оралиқ тобора кенгаймоқда, тобора чуқурлашмоқда.

Барча социалистик мамлакатларнинг халқлари, парламентлари ва ҳукуматлари шундай қуролга эга бўлган ҳамма давлатлар шу қуроллар синовини тўхтатсин деб талаб қилмоқдалар ва бунинг учун курашмоқдалар. Хиндистон ҳукумати ва халқи ядро синовларини тўхтатишни зўр бериб ва муттасил талаб қилмоқда. Индонезия, Япония, Бирма, Цейлон, Бирлашган Араб Республикаси, Покистон, Эрон, Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия, Мексика ва бошқа кўп мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам бу таклифни у ёки бу шаклда расмий равишда қувватлаб чиқдилар. Индонезия, Бирма, Япония парламентлари ҳам ядро қуроли синашни тақиқлашга даъват қилдилар.

Атом қуролига эга бўлган капиталистик мамлакатларнинг халклари ҳам бу масалада четда қолаётганлари йўқ. Буюк Британияда аҳолининг кенг оммаси, энг хилма-хил ижтимоий ва сиёсий группалар ядро синовларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Бу ҳаракатнинг қанчалик кенгайиб кетганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, Британия Тред-юнионлари Конгресси сингари оммавий ташкилотлар ҳам ўзларининг раҳбар органлари бошчилигида бу ҳаракатга қўшилдилар. Ядро қуроли синовларининг давом этаётганлиги, бу қуролнинг янги-дан-янги хиллари яратилганлиги инглизларни ташвишга солаётганлигини биз, совет кишилари, жуда яхши тушунамиз. Ядро билан зўр бериб қуролланиш ҳамма мамлакатларнинг халқлари учун хатарлидир. Ядро билан зўр бериб қуролланиш территорияси унчалик катта бўлмаган ва аҳолиси ғоят зич жойлашган давлатлар учун айниқса ҳалокатлидир. Буюк Британия ҳам шундай давлатларнинг биридир.

Америка Қўшма Штатларида ҳам ядро синовларини тўхтатишни талаб қилаётган овозлар тобора қаттиқроқ эшитилмоқда. АҚШ нинг кўпгина атоқли сиёсий арбоблари ва жамоат арбоблари, касаба союзлари, студент коллективлари ва Американинг бошқа ташкилотлари бу масалада Совет Иттифоқи ва Англия билан битим тузишни талаб қилмоқдалар.

Шу айтилган гапларнинг ҳаммасига якун ясаб шуни айтиш мумкинки, атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш вазифаси дарҳол қарор қабул қилишни талаб қилаётган вазифагина бўлиб қолмасдан, **шу билан бирга, бу масаланинг, ниҳоят, ҳал қилиниши учун ҳозирги вақтда зарур халқаро шарт-шароит ҳам мавжуддир.** Ғарб давлатларининг ҳукуматлари ядро синовларига чек қўйилсин, деб қилинаётган умумий ва ялпи талабга ортиқ қаршилик кўрсата олмай қолдиган пайт яқинлашиб қолганга ўхшайди.

Бинобарин, атом ва водород қуроли синовларини ҳамма жойда тўхтатишга эришмоқ учун ҳозирги вақтда яна зўр бериб куч-ғайрат сарфлаш зарур.

СССР Министрлар Совети, атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласини неча марталаб муҳокама қилган СССР Олий Совети Совет ҳукуматининг бу масалада бошқа давлатлар билан битимга келишга қаратилган сиёсатини ва амалий тадбирларини маъқуллаганлигига ва Совет ҳукуматининг бу йўлда сарфлаётган куч ва ғайратини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаганлигига асосланади.

СССР Министрлар Совети инсониятни атом уруши хавфидан халос қилишдек улуғ мақсадга эришишга ҳар томонлама ёрдам беришга интилиб, **Совет Иттифоқи биринчи қадам тариқасида атом ва водород қуролининг ҳамма турларини синашни бошқа мамлакатларнинг тўхтатишини нутмасдан ўзи тўхтатсин деган таклифни СССР Олий Совети муҳокамасига киритади.**

Совет ҳукумати Совет Иттифоқининг ҳамма мамлакатлардаги миллион-миллион кишиларнинг истак-орзуларига мос бўлиб тушувчи бу олижаноб ташаббуси бутун халқаро вазиятни янада соғломлаштиришга ёрдам беради ҳамда атом қуролига эга бўлган ва бу қурол синовларини ўтказаётган бошқа давлатларни ҳам шундай қилишга ундайди деган ният билан шу таклифни киритди. Бу давлатлар, яъни Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия Совет Иттифоқига қўшилсалар ва улар ҳам атом ва водород қуроли синовларини тўхтатишга қарор қилсалар, у ҳолда, ҳозирги ҳамда бундан буён ядро синовлари масаласида ўз хавфсизлигининг манфаатларини ҳисобга олиб ҳаракат қилишга мажбур бўлади.

Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатишга интилиб ва ҳамма давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципига амал қилиб, ўз қуролли кучларини ва қурол-яроғларини камайтириш соҳасида неча марталаб ўз ҳоҳиши билан тегишли чораларни амалга оширди. Урушдан кейинги йилларда СССР халқаро шартномаларга мувофиқ бошқа давлатларнинг территорияларида бўлган ўзининг ҳарбий базаларидан ихтиёрий равишда воз кечди. Совет Қуролли Кучларининг сони 1955 йилдан 1957 йилга қадар бўлган даврда ичида 1 миллион 840 минг киши камайтирилди, ҳозирги вақтда эса, СССР Олий Советининг Қарорига мувофиқ, яна 300 минг киши камайтирилмоқда.

Бироқ, шу нарсани афсус билан қайд қилишга тўғри келадики, Шимолий Атлантик блокига аъзо бўлган давлатлар шу вақттача бунга жавобан шундай иш қилмадилар, аксинча, ўзларининг бутун сиёсатларини ҳарбий тайёргарликларни кучайтириш асосига қурмоқдалар. Бу ҳарбий тайёргарликка тортилган мамлакатларнинг халқларига АҚШ ўзининг ғарбий Европадаги «иттифоқчилари» ерларида қураётган ракета базалари устидан «биргаликда контроллик қилинади» деган афсоналар сингари сохта важлар билан таскин беришга уринмоқдалар. НАТО сиёсатини белгиловчи доиралар атом урушини бошлаб юборадиган бўлсалар, Англия, Германия Федератив Республикаси, Бельгия ёки Голландия сингари мамлакатларнинг территориясидан Америка ракеталарини учириш учун ёки шу территориялардаги базаларда турган ва ядро бомбалари ортган Америка бомбардимончи самолётларининг ядро бомбаларини ташлашлари учун шу мамлакатлар ҳукуматлари ва парламентларининг розилик бериши ёки бермаслиги бирор роль ўйнашига ҳақиқатда ишонш жуда маҳол гап.

Тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, депутат ўртоқлар, мана шу ҳарбий тайёргарликларнинг ҳаммасини ташкил қилаётган кимсалар, қуролсизланиш ишини бундан буён ҳам бошқа мамлакатларнинг амалга оширишини кутмасдан фақат Совет давлатининг ўзи амалга ошира берадию, ғарб давлатлари ўзларининг қурол-яроғларини бундан фойдаланиб кўпайтира берадилар, деб ўйлаётган бўлсалар, уларнинг бу фикрлари бутунлай хатодир. Қуролсизланиш ҳамма мамлакатларнинг хавфсизлик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, виждонан келишиб ҳалол иш кўришгагина асосланиши мумкин. Шу сабабли, Совет ҳукумати СССР да атом ва водород қуроли синовларини бошқа мамлакатлар тўхтатишини кутмасдан Совет Иттифоқининг ўзи тўхтатиши тўғрисидаги таклифни СССР Олий Совети муҳокамасига қўйиш билан бирга, АҚШ ва Буюк Британия Совет Иттифоқининг бу таклифига қўшиладилар ва, шу тариқа, улар ҳам ядро билан зўр бериб қуроллашишни чеклаш ва атом уруши хавфини камайтириш ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қилади.

Рўй берган вазиятга ҳушёрлик билан баҳо бера олаётган кучлар ғарбда топилади деб ишонамиз, чунки бу вазият тинчлик тақдири билан ўйнашишга йўл қўймайди, ҳамда катта ва кичик давлатларнинг ҳукуматларини уруш ҳалокатининг олдини олиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришга мажбур қилади.

Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида СССР, АҚШ ва Буюк Британия ўртасида битим тузилган тақдирда бу битимнинг халқаро муносабатларнинг бутун ривожланишига нақадар чуқур таъсир қилишини тасаввур қилишимиз мумкин. Ҳозирги кескинлик давом қилаётган ва қуролларнинг ҳамма турлари зўр бериб ишлаб чиқарилаётган шароитда хатарли ҳарбий тайёргарликларни чеклаб қўйиш учун давлатларнинг биргаликда кўрадиган амалий тадбирлари ҳақиқатан ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлур эди. Бундай тадбирни халқлар халқаро муносабатларда давлатлар ўртасида ишонч ва тинч ҳамкорликни мустаҳкамлашга томон бурилиш бошланаётганлигини кўрсатувчи далил деб қабул қилган бўлур эдилар. Совет ҳукумати, ядро синовларининг ҳамма жойда тўхтатилиши мана шундай бурилишни бошлаб беришига аминдир.

Депутат ўртоқлар!

Халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлида актив чоралар кўриш шунинг учун ҳам айниқса зарурлирки, жаҳонни бутунлай тескари томонга: давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш томонига эмас, балки ишончсизликни ва душманликни кескинлаштириш томонига, ядро билан зўр бериб қуроллани-шни тўхтатиш томонига эмас, балки уруш томонига зўр бериб ҳаракатлаётган кучлар халқаро миқёсда ҳаракат қилмоқдалар.

Германия Федератив Республикасининг Бундестагида (парламентида) яқинда ҳукумат партияларининг овозлари билан қабул қилинган, Германия Федератив Республикаси ҳукуматига ғарбий герман қуроли кучларини атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш учун ваколат берадиган қарор шу кучларнинг фаолиятини яққол эслатиб турибди. Шундай қилиб, ғарбий Германия милитаристлари Атлантик блоки бўйича ўз партнёрларининг фотиҳасини олиб ўз армияларини атом бомбалари ва ракеталар билан қуроллантиришларини очиқдан-очиқ эълон қилдилар.

Германия Федератив Республикаси ҳукумати томонидан кўрилган бу тадбир хатарли тадбир эканлигига етарли эътибор бермаслик енгилтаклик бўлур эди. Ғарбий Германиянинг ҳозирги сиёсатини белгилаб бераётган доиралар бу мамлакатни гитлерчилар Германияси борган машъум йўлга очиқлан-очиқ солиб юбормоқдалар. Маълумки, ўз вақтида Гитлерни ҳокимият тепасига чиқариб қўйган ва унинг жиноятларига шерик бўлган кучларнинг ўзи ғарбий Германиянинг раҳбар сиёсий ва ҳарбий доираларида катта таъсир ўтказиб келмоқдалар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Германия Федератив Республикаси ҳукумати ҳозирги чегаралари ўзгартиришга ҳаракат қилаётган бирдан-бир Европа давлатидир. Мана шундай шароитда ғарбий герман армиясини атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш режаларига қандай баҳо бериш мумкин? Бу режаларга Европа халқларига ва аввало, Германиянинг қўшниларига нисбатан қилинаётган дағдаға дебгина баҳо бериш мумкин.

Германия Федератив Республикаси ўтказаётган ҳозирги сиёсатнинг раҳбарлари ўз ҳаракатларини бир амаллаб оқлашга уриниб, СССР томонидан «ҳужум бўлиш хавфи» бор ва «жаҳон коммунизмининг тақдири» бор деган ўйдирмаларни ишга солмоқдалар. Гитлерчилар Германиясида қилинганидек, ҳозир ҳам немисларнинг кўнглини Совет Иттифоқига нисбатан душманлик ҳаҳри билан заҳарлашга уринмоқдалар. Эсингизда бўлса керак, гитлерчилар ҳам иккинчи жаҳон урушини бошлаш учун олиб борган тайёргарликларини коммунизмга қарши пропаганда шовқин-сурони остида ташкил этган эдилар. Шу пропагандага лақиллаган давлатлар гитлерчилар агрессиясига ҳаммадан олдин қурбон бўлдилар.

Ғарбий Германия Бундестагининг кейинги сессиясида ғарбий Германияни атом ва ракета қуроли билан қуроллантириш масаласи муҳокама қилинаётганида ҳар қандай қилиб бўлса ҳам атом ва ракета қуроли олайлик деган даъватлар қайта-қайта такрорланди. Бу даъватлар гитлерчиларнинг ўз вақтида Германия рейхстагида жазавалари тутиб қилган даъватларидан унчалик фарқ қилмади.

Шу факт ҳам эътиборни жалб қиладики, Америка Қўшма Штатлари ғарбий Германия бундесверини атом билан қуроллантиришга актив ёрдам бермоқда. Маълумки, АҚШ ҳукумати СССР билан АҚШ халқлари Германия агрессиясига қарши биргаликда кураш олиб боргандан кейин ўтган вақт ичида 180 градус бурилди ва эндиликда Европа ишларидаги ўзининг ташки сиёсатини герман милитаризмини тиклаш билан боғлаб қўйди. Германия Федератив Республикасининг мудофаа министри Штраус Вашингтонга бориб келганидан кейин Аденауэр ҳукумати атом билан қуролланиш тўғрисидаги қарорни Бундестагда қабул қилдириб олишга шу қадар шошилинч билан киришганлиги тасодифий эмас, албатта. Яқиндагина НАТО бош қўмондони американ складлик генерал Норстад, бундесвер атом билан қуроллантирилиши керак, деб ошкора талаб қилганлиги бечиз бўлмади.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари Европани ядро қуроли складига тезроқ айлантиришга очиқлан-очиқ интилмоқдалар ва шу складга ўт қўйиш мумкин бўлган машъални ғарбий герман милитаристларининг қўлига тутқизмоқдалар. Ғарбий Германиянинг ҳозирги раҳбарлари мамлакат хавфсизлиги ва Германиянинг бирлигини тиклаш масаласини ҳал қилиш йўлини атом бомбалари ва ракеталар воситаси билан қидираётган бўлиб кўринмоқдалар. Лекин бу нарса немислар хавфсизлигининг манфаатларига ҳам, герман миллати бирлигининг манфаатларига ҳам бутунлай ёт бўлган кишиларнинг мулоҳазасидир.

«Хавфсизлик» тўғрисида ҳозирги вақтда бўлаётган гаплар ниқобланишдан бошқа нарса эмас. Германия Федератив Республикасининг раҳбарлари гарчи Европадаги вазиятни кескинлаштирмоқ учун ҳамма чораларни кўраётган ва ўз мамлакатларини мумкин қадар катта хавф остида қолдириш учун очиқдан-очиқ зўр бериб ҳаракат қилаётган бўлсалар-да, аммо Германия Федератив Республикасига ҳеч ким ҳеч нарса билан таҳдид солаётгани йўқ. Башарти, Германия Федератив Республикасининг хавфсизлигига бутунлай зид бир нарсани тасаввур қилиш мумкин бўлса, бу нарса мамлакатнинг ҳозирги раҳбарлари солаётган йўл, яъни атом билан қуролланиш-ни зўр бериб давом эттириш йўлининг ўзгинасидир. Молотов, Совет Иттифоқини ҳарбий куч билан емириш-та умид қилган гитлерчиларнинг пландари барбод бўлган экан, ҳозирги кунда ғарбий Германиянинг сиёсатини белгилаётган кимсаларнинг ҳозирги режалари гитлерчиларнинг планларига қараганда миллион марта калтабин ва авантюристик режалардир.

Европа атом урушига тортиладиган бўлса, шундай уруш олиб бориш учун база бўлиб қолган ғарбий Германиянинг сира ҳам қутилиб қолиш имконияти бўлишига жиддий равишда ишонадиган бирон киши топилармикин? Ракета-атом урушининг оловли зўр тўлқини биринчи навбатда ғарбий Германия территориясини босиб кетган бўлур эди, деб фараз қилиш тўғрирок бўлмасмикин.

Бир бўғиннинг умри давомида икки марта қонли жаҳон урушларини бошлаган герман милитаризмининг қўли чўрт кесиб ташланди ва немис халқи ўз ҳукмронларининг жиноятқорона сиёсати учун жуда қаттиқ азоб тортишга мажбур бўлди. Учинчи марта шундай жиноят қилинадиган бўлса, бунинг қасоси таққослаб бўлмаслик даражада яна ҳам оғирроқ бўлишини ҳеч бир кимса инкор қилмаса керак.

Германия Федератив Республикасининг ҳарбий тайёргарликларини пардаламоқ учун. Германиянинг бирлигига интилаётирмиз, деб айтилаётган гапларга келганда, бу гаплар буткул мунофиқликнинг ўзгинасидир. Бундан бир йил муқаддам Совет ҳукумати Германия Федератив Республикаси ҳукуматини очиқдан-очиқ огоҳлантириб, бундесверни атом билан қуроллантириш ва ғарбий Германияни Европадаги атом уруши ўчоғига айлантириш герман халқининг миллий бирлигини тиклаш ишига тузатиб бўлмайдиган зарба бўлиб тушган бўлур эди, деб айтган эди. Ҳозирги шароитда Германия Федератив Республикасини атом билан қуроллантириш планлари амалга оширилаётганлиги Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Германиянинг бирлаштирилишини онгли равишда мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўяётганлигини кўрсатади. Очиқ кўриниб турибдики, ғарбий Германия канцлери Аденауэр ва унинг сиёсатини маъқуллаётган кимсалар ҳар иккала герман давлатини яқинлаштиришга ва улар ўртасида музокаралар олиб борилишига йўл очадиган кўприкни куйдириб юборишга ва шу тариқа Германиянинг бирлигини рўёбга чиқармоқ учун қолган бирдан-бир йўлни—ҳар иккала герман давлати—Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида битимга келиш орқали ўтадиган йўлни ёпиб қўйишга шошилмоқдалар. Бундесверни атом бомбалари ва ракеталар билан қуроллантириш тўғрисидаги қарор Германиянинг бирлиги устида ўқилаётган жаноза садосидир ва бундан ҳар бир немис хабардор бўлиши лозим.

Мана шу фактлардан очиқ кўриниб турибдики, ғарбий Германия бундесверини атом билан қуроллантириш планлари ғарбий Германия аҳолисининг кенг доираларини жуда қаттиқ газабга солмоқда. Касаба союзлар, кўпгина сиёсий партиялар, знёлилар, диний доиралар бу хатарли планларга карши қатъий норозилик билдирмоқдалар.

Аҳволга ҳушёрлик билан баҳо бераётган ва герман миллатини ҳалокат чуқурига итариш йўли тутилмасин дейиладиган бўлса, у ҳолда, герман миллати учун бошқа халқлар билан дўст бўлиш ва тинчлик йўлидан бошқа йўл йўқ эканлигини тушунаётган кучларнинг оқибат натижада ғарбий Германияда қўли баланд келар деб умидвор бўлгумиз келади. Воқеаларнинг ҳалокатли йўлдан ривожланишининг олдини олиш имконияти ҳозир бор.

Депутат ўртоқлар!

Узоқ вақтлардан бери Совет ҳукумати Германия Федератив Республикаси ҳукуматини бу ҳукуматнинг герман милитаризмини тиклаш йўлини тутаётганлиги ҳалокатли йўл эканлиги ҳақида неча марталаб ва жуда жиддий огоҳлантириб келди. Совет ҳукумати ғарбий Германиянинг атом уруши учун кўрилаётган тайёргарликларда катнашуви ва ғарбий Германия армиясини ялпи қирғин қуроли билан қуроллантириш Европадаги тинчлик иши учун ва биринчи галда Германия Федератив Республикасининг ўзи учун хатарли оқибатлар келтиришини неча марталаб кўрсатиб ўтди.

Париж битимлари тузилди. Германия Федератив Республикаси АҚШ раҳбарлигидаги агрессив ҳарбий блокка тортилди, чет эл қўшинлари томонидан ғарбий Германиянинг оккупация қилинганлиги абадийлаштирилди, унинг территориясида чет давлатларнинг атом базалари қурилди, ва ниҳоят, бундесверни атом билан қуроллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди—воқеаларнинг ривожланиши мана шундай боскичлар орқали ўтди. Ғарбий Германияни мана шу тариқа боскичма-боскич тушириб ҳалокат чуқурининг ёқасига тобора яқинлаштирмоқдалар. Германия Федератив Республикасининг мана шу ўз-ўзини ўлдириш сиёсати ҳалокатли сиёсат эканлиги тўғрисида Совет Иттифоқи ўз вақтида огоҳлантирмади деб Совет Иттифоқига ҳеч ким таъна қилиши мумкин эмас. Совет ҳукумати бу ҳақда ғарбий Германия раҳбарларини жуда равшан қилиб бир неча марталаб огоҳлантирди. Германия Демократик Республикаси ва бошқа тинчликсевар давлатлар ҳам, шунингдек ғарбий Германиянинг ўзида бўлган ва герман миллатининг тақдири учун, тинчлик тақдири учун ташвишга тушаётган миллий, ватанпарвар доиралар ҳам худди шундай гапларни айтиб келдилар.

Лекин НАТОнинг агрессив планлари билан ўзларини чамбарчас боғлаб қўйган Германия Федератив Республикаси раҳбарлари шу огоҳлантиришларнинг ҳаммасига таскин берувчи мужмал гаплар билан жавоб бериб келдилар. Улар, бундай огоҳлантириш учун асос йўқ, деб қандай хавф-хатар йўқ, деб кўрсатишга уриндилар. Хатто кейинги вақтларга қадар улар бундесверни атом билан қуроллантириш планлари борлигининг ҳам инкор қилиб келдилар. Германия Федератив Республикасининг ҳукумати 1957 йилнинг ёзидаёк Совет ҳукуматининг нотасига жавобан, ғарбий Германияда «атом қуролининг ҳеч қандай хиллари йўқ, ва шундай куролни етказиб беришни илтимос қилмаётир» деб айтди. Бу гаплардан фақат битта мақсад кўзда тутилаётганлиги—шу гаплар билан жаҳон жамоатчилигини, ҳаттоки, немисларнинг ўзини ҳам лақиллатмоқчи бўлаётганликлари. Ғарбий Германия армиясини атом қуроли билан мумкин қадар сездирмай қуроллантириб, кейин жаҳонни рўй берган фактга дуч қилиб қўйишга ҳаракат қилинаётганлиги ўша вақтнинг ўзидаёқ равшан бир нарса эди. Германия Федератив Республикасининг ҳозирги ҳаракатлари бу баҳонинг ҳақиқий баҳо, бўлгалигини